O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2009-yil Dekabr

| Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №50(3840)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

## «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср – интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

энг аввало, соғлом наслни, "Соғлом она – соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш;

нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илғор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 декабрь

# *2010 йил — Баркамол авлод йили*



*Ҳур Ватаннинг қошу кўзи, мужгонлари сиз бўлгайсиз,*
*Чеҳралари гулдай, кундай хандонлари сиз бўлгайсиз...*
*Ҳар боғдан бир ибрат олинг, илм олинг, ҳикмат олинг,*
*Келажакнинг, Истиқболнинг қўрғонлари сиз бўлгайсиз.*

Баркамол авлод-юрт келажаги

## ЕТУКЛИК СИНОВИ

**Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида юртимизда ўзлигини англаган, Ватани, миллати, тарихий мероси, мустаҳкам эътиқоди, ота-боболари қолдирган урф-одатлар ҳамда анъана-қадриятлар билан фахрланадиган, эркинлик ва озодликнинг қадрига етадиган авлод камол топди. Шу пайтгача иқтисодий-ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий ҳаётда нималарга эришган бўлсак, ҳаммасида ана шу авлоднинг ҳиссаси катта.**

Худди англаш ва идрок этишда бўлгани каби бунёдкорлик ва яратувчиликда ҳам пешқадамлик аслида баркамолликдир. Бу тўхтовсиз жараён бўлиб, етуклик йўлидаги жиддий синовдир. Ўтган даврда бундай синовлардан муваффақиятли ўтилганлиги бугунги кунимизни юксак даражага кўтарган бўлса, бундан кейинги синовлар эртанги кунимизнинг истиқболини, аниқроғи, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг натижасини кўрсатиб беради. Демак, баркамол авлод жамиятимизни тараққий эттиришда бундан кейин ҳам асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолаверади.

Юртбошимиз 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этганида, хаёлимдан ана шу ўй-фикрлар ўтди. Ўтган йилларда синовдан ўтган баркамол авлод бугун янада улуғвор ишларга қодир. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Аслида баркамол авлод билан боғлиқ вазифаларнинг қамрови жуда кенг. Маърузада ўта муҳим йўналишларга таъриф берилди. Биз фақат айрим йўналишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Тўғриси, менга Юртбошимизнинг баркамол авлодни тарбиялашда оилага алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги гаплари таъсир қилди. Олий ўқув юртида ўқияпти, компьютерда ишлай олади, чет тилини билади, интернетдан фойдаланади, деб кўпинча фарзандларимиз билан фахрланамиз. Тарбиянинг бошқа жиҳатлари билан кўпам қизиқмаймиз. Ваҳоланки, баркамол авлодни тарбиялаш зарур. Ўғил-қизларимизнинг ота-онага, қариндош-уруғга, бегоналарга меҳр-оқибати қандай? Уларнинг Ватанга, жамиятга, маҳалла аҳлига, катта-кичикка, муҳтожу ногиронга муносабати қандай? Улар ўтган улуғларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий меросни, диний ва миллий қадриятларни қадрлашадими-йўқми? Фарзандларимизнинг фикрлаши, дунёқараши, умуман, бугунги мураккаб дунёни қай даражада идрок этиши билан қизиқиб кўрдикми-йўқми? Улар оиланинг муқаддаслигини, юрт, миллат қадрини, фарзанд тарбияси масъулиятини қай даражада англашади? Бу каби саволлар ҳар биримизни ташвишлантириши зарур. Акс ҳолда бугунги ёш авлодни тарбиялашда мукаммаллик бўлмайди. Биз тарбиянинг ташқи кўринишига маҳлиё бўлсак хато қиламиз.

(Давоми 6-бетда).

11 декабрь – ЮНИСЕФ ташкил топган кун

## БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ КЕЛАЖАКНИ ҲИМОЯЛАШДИР

**Ҳар қандай қирғинбарот урушларда болалар кўпроқ жабр кўради. Биргина Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллиондан ортиқ болалар ўқ ёмғири, бомбалар остида қолиб ҳалок бўлди. Яна шунчаси бошпанасидан, ота-онасидан ажради. Катта қийинчиликларга дучор бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 1946 йилда халқаро Болалар жамғармаси тузилди. 1953 йилга келиб бу жамғарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий тузилмасига айланди.**

Унга Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ аъзо бўлди. Болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ЮНИСЕФнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур жамғарма болаларнинг соғлом туғилиши, вояга етиши ва ривожланишига, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги режа ҳамда дастурларни амалга оширишда зарур кўмак беради. Ёш авлоднинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ишларда иштирок этади.

ЮНИСЕФнинг ер юзидаги, айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги болаларнинг соғлом ва баркамол вояга етишга кўмаклашишдаги катта хизматлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, 1965 йилда жамғармага Нобель мукофоти берилган. Айни кунларда ер юзидаги деярли барча мамлакатларда ЮНИСЕФ ваколатхоналари бор.

Ўзбекистон ва жамғарма томонидан болаларни иммунизация қилиш, бошланғич мактаб ўқувчиларини озиқ-овқат ва ичимлик сув билан таъминлаш, вакциналар етказиб бериш бўйича узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилган. Шу ўринда ЮНИСЕФнинг Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш дастурини айтиб ўтиш жоиз. «Орол денгизи: минтақавий ва экологик ёрдам лойиҳаси» махсус дастурининг амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон билан биргаликда муайян ишлар қилиняпти.

Мамлакатимизда дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган, ЮНИСЕФ томонидан тавсия этилган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўсиб улғайиши учун зарур шарт-шароитлар таъминлаш борасидаги халқаро нуфузли ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай амал қилинмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ келажагимиз бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатишга киришилди. Халқимизнинг болажонлик фазилатлари миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган, мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Албатта, келгуси йилда болаларимизнинг баркамол ўсишлари учун кўламли ишларни бажаришимиз лозим бўлади. Бу улуғвор ишларда ЮНИСЕФ билан самарали ҳамкорлик қилинишига шубҳа йўқ.

Долзарб мавзу

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА МАСЪУЛМИЗ

**Мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирлар олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолати ҳамда йўлларнинг аҳволини яхшилаш, «Йўл ҳаракати қоидалари»ни кенг кўламда тарғиб қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо таҳлиллар республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кескин чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан худди шу мақсадни кўзлаб жорий йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январига қадар юртимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз Иноятовга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.**

**– *Азиз Аҳадович,* йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳар доим долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Шундай экан, аввало шу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаётгани хусусида тўхталсангиз.**



– Корхона, ташкилот, муассасалар, шунингдек, ҳайдовчилар, пиёдалар ва болалар ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб бориш, тарғибот-ташвиқотлар кўламини ошириш орқали ана шу мақсадга эришиш доимий диққат-эътиборимизда. Аммо қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамай автомобиль йўлларида инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлиб турибди.

Ички ишлар вазирлиги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жорий йилнинг ўн бир ойи давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг 4 миллион 424 мингтадан ортиқ ҳолати аниқланди. Шундан 1 миллион 673 минг 566 таси қўпол қоидабузарлик, 64 минг 250 таси маст ҳолда, 20839 таси монитор ўрнатилган транспортни бошқариш, 29 минг 543 таси қорайтирилган ойнали транспортдан, 76770 таси телефондан фойдаланиш ва 806 минг 524 таси хавфсизлик тасмасини тақмасликдан иборат.

Бир қарашда оддий кўринган бу рақамлар ортида кўплаб инсонлар ҳаёти ва соғлиғи ётибди. Гулдек умрлар гилдираклар остида бевақт хазон бўлмаслигига ҳаммамиз бирдек киришмоғимиз, бу ҳақда кўпроқ бош қотирмоғимиз лозим.

Мамлакатимизда автобуслар ҳаракатини тартибга солиш мақсадида йўловчи ташиш билан шуғулланаётган транспорт воситалари текширилганда 242220 та қоидабузарлик қайд этилди. Камчиликларга эга бўлган 37403 та транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланиб, жарима майдонига киритилди. Аниқланган қоидабузарликлар бўйича ташкилот раҳбарларига тақдимнома киритилди.

(Давоми 4-бетда).

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Камолиддин Жўрабекович ЮЛДАШЕВ.**



Камолиддин Жўрабекович Юлдашев 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент темир йўллар институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги Қўриқлаш бошқармаси полки рота милиционери лавозимидан бошлаган. 1996–2001 йилларда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими МКП навбатчиси, МКП бошлиғи, бўлим бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси инспектори, катта инспектори, 2001–2009 йилларда Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Юнусобод туманлари ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Жўра Холиқович САЙЛИЕВ.**



Жўра Холиқович Сайлиев 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Бухоро шаҳар ИИБ ҳузуридаги Ф. Хўжаев туманига хизмат кўрсатиш бўйича Қўриқлаш бўлими МКП навбатчиси лавозимидан бошлаган. 1999–2009 йилларда Бухоро вилояти Ф. Хўжаев туманига хизмат кўрсатиш бўйича Қўриқлаш бўлинмаси инспектори, рота командири, бўлинма бошлиғи, Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими алоҳида милиция батальони командири ўринбосари, Олот тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Бухоро шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

## Хабарлар

# ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод тарбияси, уларнинг ўқиб билим олиши ва ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилмоқда. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасида қатор профилактик ишлар амалга оширилаяпти.**




Бош Қомусимиз – Конституция байрами арафасида Навоий вилоятида «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази» ташкил этилди. Ушбу марказ аввало, болалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Негаки, назоратсиз, эътибордан четда қолган болалар аксарият ҳолларда билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишади.

Маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида 31 нафар вояга етмаганлар қўшни вилоятлардаги ижтимоий кўникма марказларига топширилган. Бундан ташқари, шу давр ичида ходимлар томонидан 778 нафар вояга етмаганлар хизмат хоналарига олиб келинган бўлиб, уларнинг аксарияти ўзбошимчалик билан оиласини тарк этганлиги ва ҳали 16 ёшга тўлмаганлиги аниқланган. Шу ўринда вилоятимизда «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»нинг ташкил этилиши энг савобли, хайрли ишлардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Замон талабларига жавоб бера оладиган, барча қулайликларга эга ушбу марказ биносининг бунёд этилишига «Қизилқумцемент» ҳамда Навоий Кон металлургия комбинати ҳомийлик қилди.

Конституция куни арафасида янги марказ биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вилоят ҳокими Э. Турдимов вояга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ушбу марказ муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб, ходимлар олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Тадбирда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

Янги бинода яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишган меҳмонлар илиқ ва самимий фикрлар билдиришди. Дарҳақиқат, бу ерда ҳар бир иш меҳр билан, катта иштиёқ билан бажарилганлиги кўриниб турибди. Шинам хоналар, чиройли жиҳозлар, бир сўз билан айтганда, худди хонадонларимиздагидек шароит яратишга муваффақ бўлинган.

**Нигора РАҲИМОВА,**
**майор.**
**Навоий вилояти.**
**Суратда:** марказ биноси.
**Муаллиф олган сурат.**

**Қашқадарё вилояти ИИБда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, шахсий таркибнинг хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этиши, касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги борасида амалга оширилган ишларнинг таҳлилига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни бошқарма бошлиғи ўринбосари, полковник Х. Шерданов очди ва олиб борди.**

# ҚОНУНЧИЛИК ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ

Жойларда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ички интизом ва қонунчиликка риоя қилинишининг аҳволи, ахлоқ-одоб судларининг фаолияти муҳокама этилиб, амалга ошириши лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар ўртага ташланди. Кадрларни жой-жойига қўйиш, ходимларнинг касб маҳорати ва ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, ёшларни тарбиялаш каби масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, йиғилишда келгуси йил учун ходимларнинг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ўқув гуруҳлари тузилиб, жойларда тегишли назарий ва амалий машғулотлар бошлангани айтиб ўтилди. 2010 йил – «Баркамол авлод йили»да амалга оширилиши кўзда тутилаётган тадбирларга тайёргарлик кўриш лозимлиги уқтирилди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

# АСОСИЙ МЕЗОН – ХАВФСИЗЛИК

Маълумки, мамлакатимизда 2009 йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБда ана шу тадбир муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда республика оммавий ахборот воситалари вакиллари, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва мутасадди ходимлар иштирок этишди.

Анжуман иштирокчиларининг эътибори ҳайдовчилар ва аҳоли диққатини ҳаракат хавфсизлигига қаратиш, ҳаракат иштирокчиларининг саломатлигини таъминлаш, айниқса болалар ўртасида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, бунинг учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди. Вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Алимов бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай аҳвол ҳамон кўнгилдагидек эмаслигини айтиб ўтди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида 1492 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бунинг оқибатида 366 киши бевақт ҳаётдан кўз юмган. 1593 нафар фуқаро эса турли даражада тан жароҳати олган.



Вилоят ИИБ ЙҲХБ ШТБИ ва ЖАББ катта инспектори, майор И. Саидкаримов ойликнинг мақсади, ўтказиладиган тадбирлар юзасидан батафсил тушунча берди. Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари С. Абдусатторов йўловчи ташиш билан боғлиқ қатор масалаларга эътиборни қаратди.

**Гўзал ПИРЖАНОВА,**
*Тошкент вилояти.*

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Республика ИИВ ЖИЭББда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси «Биз ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» мавзусига бағишланди.**

Унда ИИВ ЖИЭББ тиббиёт бўлими бошлиғи Б. Юсупов ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти юқумли касалликлар кафедраси ассистенти В. Раҳимова мавзу бўйича маъруза қилдилар. Шундан сўнг ОИТС ҳақида тайёрланган роликлар ва видеофильм намойиш қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар дунё миқёсида ОИТС касаллигининг тарқалиш кўрсаткичлари бирмунча ошганлиги сабабли кўплаб инсонларнинг зарар кўраётганлиги, бунга қарши курашда ички ишлар ходимлари фаол бўлишлари ва шахсий намуна кўрсатишларини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, бу каби тадбирларда ОИТС ва гиёҳвандлик тўғрисида ахборотларнинг доимий етказиб борилиши шахсий таркибнинг малакасини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Азамат БЕГАЛИЕВ,**
**сержант.**

## Кўрик-танлов

**Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида ўтказилаётган «Аълочи ходим» кўрик-танловининг якуний босқичи Тошкент шаҳрида ўз ниҳоясига етди. Бунда асосий эътибор қатнашчиларнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, тактик ва жанговар тайёргарлиги бўйича амалий кўникмалари, уларнинг газ ва тутундан ҳимоялаш аппаратлари тузилиши ва ишлаш хусусиятларини билиши, текширувларни тўғри ўтказа олишларига қаратилди. Шунингдек, иштирокчилар турникда тортилиш, 1000 метр масофага югуриш, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш каби шартлар бўйича беллашишди.**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Кўрик-танловда мазкур тоифалар бўйича жойларда ғолиб деб топилган 58 нафар ходим иштирок этди. Уларнинг назарий билими тест саволлари орқали баҳоланди. Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиқлари ўртасида ташкил этилган баҳсда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 33-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан А. Амонов «Аълочи ходим» деб топилди. 2-ўринни Навоий вилояти ИИБ ЁХБ ҲЁХҚ смена бошлиғи, катта лейтенант А. Тоиров, 3-ўринни эса Андижон вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХҚ смена бошлиғи, катта лейтенант Н. Шараповлар эгаллашди.

Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми экипаж командирлари мусобақасида ҳам ғолиблар аниқланди. Навоий вилояти ИИБ ЁХБ ҚЁХҚ смена бошлиғи Ш. Зекеряев «Аълочи ходим» деб топилди. Шунингдек, Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 6–КЁХҚ смена бошлиғи А. Жамилов, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 7-КЁХҚ смена бошлиғи Н. Хуррамовлар яхши натижаларни қўлга киритишди.

Касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми экипаж командирлари баҳсида Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ 12-КЁХҚ экипаж командири Х. Жаббаров «Аълочи ходим» деб топилди, иккинчи ва учинчи ўринларни Андижон вилояти ИИБ ЁХБ 7–КЁХҚ экипаж командири Б. Мамадалиев ҳамда Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 6-КЁХҚ экипаж командири С. Шодиевлар эгаллашди.

Юқори кўрсаткичга эришган ходимлар ИИВ ЁХББ Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

**С. АТАМУХАМЕДОВ,**
**катта лейтенант.**
**А. АЪЗАМОВ,**
**майор.**

## Муҳим сиёсий воқеа олдидан

# КОНСТИТУЦИЯ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

**Мана 17 йилдирки, Конституциямизнинг ҳар бир сатри инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиб, барчамизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни кафолатлаб келмоқда. Шунинг ўзи бизни яшашга, меҳнат қилишга, ижод этишга ундайди.**

Асосий қонунимизда дунё мамлакатларининг худди шундай қонун ҳужжатларида учрамайдиган ўзимизга хос миллий хусусиятлар мавжуд. Масалан, Бош қомусимизнинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари белгиланган. Бундай шарқона бағрикенгликнинг Асосий қонунимизда белгилаб қўйилиши ҳам ўзлигимизни англаш, миллийлигимизни қадрлашга бориб тақалади. Ушбу ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унинг ҳар бир моддасида мустақиллик ғояси уфуриб туради. Умумбашарий қадриятлар унинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, демократик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омил сифатида аҳамиятга моликдир.

Мамлакат ҳаётида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутади. Чунки ҳар қандай давлат бошқаруви қонунийликка, қонунларга асосланиши керак. Шунинг учун ҳам қонунларга давлат пойдевори сифатида қаралиши бежиз эмас.

Конституциянинг 76-88-моддалари бевосита мамлакат Олий Мажлиси фаолиятига бағишланган бўлиб, уларда Сенатнинг ва Қонунчилик палатасининг ваколатлари ҳамда мутлақ ваколатлари белгиланган. Ана шунга кўра ҳар бир палатанинг ўз ваколатлари доирасида фаолият олиб боришида кенг имкониятлар яратилди. Бугун қонун чиқарувчи ҳокимият такомиллашди ва юксалди. Парламентимизнинг икки палатадан таркиб топиши, аввало қонунларни мукаммаллигини таъминлаш, қолаверса, жамиятда қонун устуворлигига эришишда муҳим омил бўлмоқда.




Бугун республикамизда икки палатали парламент муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Шу кунгача Қонунчилик палатаси томонидан бир қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилиндики, булар келажакда халқ манфаатларига хизмат қилади. Ана шу қабул қилинаётган қонунларда халқнинг хоҳиш-иродаси эътиборга олинган. Чунки Қонунчилик палатаси депутатлари қонунларни қабул қилаётганларида энг аввало халқнинг вакили сифатида ёндашадилар. Табиийки, бу жараёндан халқ хабардор бўлади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятда демократиянинг қай даражада эканлигини белгиловчи мезонлардан бири халқ қонунлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардорлиги, хукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки билан белгиланади. Қонунчилик палатасининг ваколати фақатгина қонунлар қабул қилишдан иборат бўлиб қолмай, балки қонунлар ва Қонунчилик палатаси қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил этишдан ҳам иборат эканлиги Конституциямизнинг 85-моддасида белгилаб қўйилган. Ана шулардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан амалдаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятда қонунларнинг мукаммал ишлашини таъминлайди.

Мамлакатимизда сайлов тизимига дунё мамлакатлари тажрибаси ҳар тарафлама ўрганилган ҳолда ёндашилди. Бу борада ҳам катта муваффақиятларга эришдик. Маълумки, Конституциямизнинг йигирма учинчи боби сайлов тизимига бағишланган. Унда мамлакат фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги ва ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши белгиланган. Сайлов тизимининг энг муҳим жиҳати, мамлакатда қабул қилинаётган қонунларни фақат халқ сайлаган Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши ҳамда халқ сайлаб, ваколат берган Президент томонидан имзоланишидир. Зеро, сайловнинг мазмун-моҳияти демократик тамойилларга асосланганидадир.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар олдида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмига Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади. Шу асносида сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги вакиллиги кенгаяди, бу эса сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг самарали қонунчилик базасини шакллантиришдаги роли ва таъсирини янада оширади.

Мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловларни янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга кўмаклашадиган бир қатор ўзгартишлар киритилиб келинмоқда. Масалан, «сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти сайлов қонунчилигимизда мутлақо янгилик. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга «сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти киритилди. Мазкур нормада депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланган. Бу бевосита давлат ва жамият ривожлангани сари сиёсий партияларнинг роли ҳам юксалиб бораётганидан далолат беради. Сиёсий партияларнинг юксалиши эса, албатта, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши учун илгари 50 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаши лозим эди. Эндиликда бу миқдор 40 минг нафар этиб белгиланди. Бу ҳам сиёсий партияларга берилган имкониятлардан биридир. Сайловларда холисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловлар очиқ бўлишининг, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини тўлароқ рўёбга чиқаришнинг қўшимча кафолатларини яратиш мақсадида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Кўриниб турибдики, сайлов қонунчилигимиз борган сари эркинлаштирилиб борилмоқда.

Сиёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этишлари учун яратилган имкониятлардан яна бири уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишнинг аввал белгиланган олти ой муддати тўрт ой этиб белгиланганлигидир. Сиёсий партияларга янада кенгроқ имкониятлар бериш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда илгари «сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан» ташкил қилиниши белгиланган бўлса, эндиликда «сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда» ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтган сайловлардан шунинг гувоҳи бўлдикки, депутатликка номзодлар билан биргаликда сайловчиларнинг йиғилишларини ўтказишда турли муаммоларга дуч келар эдик. Айтайлик, номзодларнинг бир вақтда тўплана олмаслиги, кун давомида бир ёки иккита учрашув ўтказишда вақтдан ютқазиш ва ҳоказолар. Сайлов қонунчилигимиздаги бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар сайловнинг бутун жараёнига янада фаол таъсир кўрсатишлари учун имконият юзага келди, партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилди. Энг муҳими, сиёсий партиялар ўзларининг сайлоолди дастурлари билан сайловчиларни ҳар томонлама ва кенг таништиришлари учун катта имкониятга эга бўлдилар.

Бир сўз билан айтганда, сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларга кенг йўл очиб берди. Маълумки, барқарорлик ва тинчлигимизни асраб-авайлаш, халқимизнинг тарихий ва ҳаётий тажрибаларига, миллий ва маданий қадриятларига мос тушадиган демократик тамойилларни қарор топтириш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини мустаҳкамлашда сиёсий партияларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Зеро, мамлакатимизда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлашга қаратилган сайлов тизими борган сари демократлашиб, эркинлашиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади.

Адолатли ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шарти ва олдига қўйган вазифаларидан бири – қонунларга таянмоқ ва унинг амал қилишини таъминламоқдир. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган маърузасида Қонунчилик палатасининг яна бир муҳим жиҳати, яъни назорат-таҳлил фаолиятига тўхталиб: «Бизнинг олдимизда турган яна бир масала–қабул қилинган қонунларимиз ижросини таъминлашдан иборат. Маълумки, қонун ижросини Ҳукумат амалга оширади. Унинг асосий вазифаси қонунларни сўзсиз ижро этишдир. Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин. Сиз, муҳтарам депутатлар қонунларни қабул қилар экансиз, уларнинг ижроси билан ҳам қизиқишингиз, керак бўлса, тегишли мутасадди раҳбарлардан, биринчи навбатда, ижро ҳокимиятидан шуни талаб қилишингиз лозим... қонунчилик ишида шу пайтгача бундай ёндашув, бундай тажриба бўлгани йўқ ва энди бундай ҳолатни бартараф этиш фурсати етди», деган эдилар.

Конституция мамлакатдаги ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий қарашларга асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда Конституция қоидаларини дастуруламал деб билсак, хато қилмаймиз. Конституция шундай бир ҳужжатки, биз интилаётган фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини, сиёсий тизимини, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, демократик давлатни барпо этишимизда қонуний асос бўлади.

Юртимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва демократик жараёнларнинг барчаси қонунларда ўз аксини топиши ва ҳаётга кириб бориши фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгининг шаклланишига хизмат қилади. Жамият қонун-қоидалари инсоннинг шахсий эътиқодига айланиб, маънавий бурч тусини олиб боради. Бунда инсон ва унинг манфаатлари асосий ўринни эгаллайди. Хулоса ўрнида шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Конституция ҳар биримизнинг ўзлигимиз, ғуруримизга айланиб бормоқда.

**Акрам ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Юксак мукофот соҳиблари



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биокимё илмий-текшириш институтининг илмий ходими бўлган Ниғматилла Раимқулов ушбу соҳада кўплаб янгиликлар яратиш, фан чўққиларини забт этишни кўзлаб, ўзини илмга бағишлашни ният қилганди. Кўп ўтмай ўртамиёна олим бўлгандан кўра яхши эксперт-криминалист бўлиб ҳам жамиятга кўпроқ нафи тегиши мумкинлигини англади. Бу ният уни Тошкент вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимига етаклади. Дастлаб наркотик-психотроп моддалар экспертизаси билан шуғулланди.**

# ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Эксперт-криминалистика ходимларининг игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ишлари содир этилган жиноятларнинг иссиқ изларда очилишида, ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда бўлимимиз ходимлари томонидан уч мингга яқин турли йўналишдаги экспертизалар ўтказилиб, ўн икки мингдан ортиқ тезкор тадбирларда иштирок этдик дейди вилоят ЭКБ бошлиғи, подполковник Н. Раимқулов. – Шунингдек, ўн мингга яқин тергов ҳаракатлари ҳам уларнинг иштирокисиз ўтмаганлигини қайд этмоқчимиз. Содир этилган жиноятларни тезкорликда фош этилишида «АДИС», «СОНДА» тизимининг татбиқ этилгани айни муддао бўляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида «АСИЛ» тизими ёрдамида 60 та жиноят очилди.

Шу йилнинг баҳорида Қибрай туманида яшовчи эр-хотин нафақадорларнинг уйи аланга ичида қолди. Ёнғин шунчалар кескин тус олган эдики, уни тизгинлаш жуда мушкул кечди. Олов ўчирилгач, уй эгаларининг куйиб, жизғанак бўлган жасадлари топилди. Бир қарашда буни кексаларнинг паришонхотирлиги туфайли содир бўлган ёнғин деб тахмин қилиш ҳам мумкин эди. Бироқ қотиллик бўлиши мумкин деган тахминлар ҳам йўқ эмасди. Нафақа ҳисобига кун кўриб келаётган қарияларнинг нимасини ҳам олиш мумкин, дея ўйлайди киши. Экспертлар ишга киришди. Олов нафақат буюмлар, уй соҳиблари, жиноят содир этилган бўлса, жиноятчиларнинг изларини ҳам ўз домига тортиб, ямлаган эди. Ходимлар узоқ вақт қидиришди. Бир қараганда ҳовлининг чеккасида ким томондандир улоқтириб юборилган ичимлик суви идиши кимнинг ҳам хаёлига келарди дейсиз. Ахир у ёнғинни томоша қилиб турган одамлардан бир томонидан ташлаб юборилган бўлиши ҳам мумкин-ку! Экспертлар "баклажка"ни эътибордан қочирмадилар. Ундан бир неча метрлар нарида эса бузилган қулф ётарди. Мана шу икки буюмга махсус ишлов берилганда унда қўл-бармоқ излари борлиги аниқланди. Демак, қотиллик жиноятни эҳтимолдан холи эмас. Олинган излар дарҳол мавжуд тизим орқали текшириб чиқилди. Аммо базадаги маълумотларда улар аниқланмади. Мазкур қотилликни очиш жараёнида юзга яқин шахслар сўроқ қилинди. Гумонланувчилардан олинган қўл-бармоқ излари қотиллик жойидан олинган изларга солиштирилди. Аммо уларда ўхшашлик йўқ эди. Шунга қарамай ходимлар тушкунликка тушишмади. Ҳолбуки, излар борми, шубҳасиз унинг эгаси ҳам бор. Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Навбатдаги гумонланувчилардан олинган излар жиноятчиларни фош этди. Маълум бўлишича, И. Шокир, Т. Тўлқин ва А. Шариф фарзандларининг бойлигини чол-кампир сақлайди, деган ўйда ҳамда, бойликка эгалик қилиш ниятида ўғирликка тушишади. Бироқ чолнинг ҳушёрлиги уларни саросимага солиб, йигитлар сирларини яшириш мақсадида чолукампирни ўлдириб, изларни йўқотиш учун хонадонга ўт қўйишади.

Бу жиноятни фош этишда подполковник Н. Раимқуловнинг хизматлари ғоят беқиёс бўлди.

– Бўлим бошлиғимиз Н. Раимқулов нафақат раҳбар, балки бизга устоз ҳамдир, – дейди бўлим бошлиғи ўринбосари, майор Дилшод Парпиев. – Тошкент вилоятининг шаҳар-туманлари ИИБларида фаолият юритаётган эксперт-криминалистларнинг аксарияти Н. Раимқуловни ўзларига устоз деб биладилар. Зотан, уларнинг ёшларга меҳрибонлиги, ҳар бир нарсани ўргатишдан эринмаслиги, камтарлиги ходимларнинг уларга бемалол мурожаат қилишларини таъминлайди. Каттаю кичикка эшиги доимо очиқ.

Н. Раимқулов бўлим бошлиғи сифатида ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-жисмоний ҳамда хизмат-жанговар тайёргарлигига катта эътибор беради. Экспертнинг хатоси жиноятни фош этишда қимматга тушишини теран англаган Н. Раимқулов ўқув машғулотлари давомида ходимларнинг билимларини тез-тез синовдан ўтказиб туради. Ёш, ҳали тажрибага эга бўлмаган ходимлар билан жиноят содир этилган жойга бевосита ўзи ҳам бориб, биргаликда ишлашдан эринмайди.

Юртимизда она-Ватан тинчлиги, равнақи, ободлиги, эл осойишталиги, фаровонлиги йўлида чекилган заҳматлар ҳамиша муносиб эътироф этилиб, қадрланиб келиняпти. Республикамизда барқарорликни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган подполковник Н. Раимқулов Ички ишлар идоралари ходимлари куни арафасида Ватанимизнинг юксак мукофоти "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Бундай шараф эса кўтаринкилик бахш этиши билан бирга, янада кўпроқ масъулият юклайди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

# ХИЗМАТИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

**Ўзи туғилиб ўсган замин тупроғини кўз қорачиғидек асраш, маҳалласи, элу юрти корига яраш ҳар бир софдил ва мард ўғлоннинг бурчи ҳисобланади. Ана шундай фидойи юртдошларимиздан бири Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Отабек Шаймоновдир. Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**



Туроб аканинг тўнғич ўғли бўлган Отабек Қашқадарё вилоятининг Касби туманида туғилиб, вояга етди. У ёшлигидан ўртоқларига нисбатан ҳаракатчан, тиришқоқ эди. Ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, 1992 йили Қарши Давлат политехника институтига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач, Тошкентга келиб экскаваторларни таъмирлаш заводига ишга кирди. 1999 йилдан буён Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига раҳбарлик қилаяпти.

– Ёшлигимдан мард, жасур ички ишлар ходимларига ҳавас қиламан, – дейди О. Шаймонов. – Мана, ўн йилдирки, профилактика инспекторлари билан биргаликда фаолият олиб бораяпман. Ишни маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этганмиз. Ҳозирда олтита кўчанинг ҳар бирида кўчабошилар ва икки нафардан маҳалла посбонлари белгиланган режа асосида иш кўришаяпти.

Олти мингга яқин аҳоли яшаётган маҳаллада йигирма тўртта кўп қаватли уйлар, битта мактаб, иккита мактабгача тарбия муассасаси, битта оилавий поликлиника мавжуд. Маҳалла тумандаги энг фаол масканлардан бири ҳисобланади. Бошқа фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

– Ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлашда маҳалла посбонларининг ўрни катта бўлаяпти, – дейди маҳалла оқсоқоли Абдумажид ака Абдуллаев. – Отабек кўчабоши ва маҳалла посбонлари хизматидан унумли фойдаланаётгани учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда яхши натижаларга эришаяпмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Отабек Шаймонов каби мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бор куч-ғайратини сарфлайдиган, фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тайёр, ҳар томонлама етук ходимлар кўпайса, жиноят илдиз отишига йўл қўйилмайди, маҳаллаларда ҳамюртларимиз тинч ва осойишта ҳаёт кечиришади.

**Жамила ЭШОНҚУЛОВА.**

## Ибрат

# «ТЕМИР ОДАМ»НИНГ ШОГИРДИ

**Раҳим Норбўтаев болалигидан ички ишлар ходими бўлишни орзу қиларди. У Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган 6-мактабни рус ва инглиз тилларида ҳам бемалол гаплаша оладиган бўлиб тугатди. Рустам ака ва Мамлакат опа ўғилларида ИИВ Академиясига ўқишга кириш истаги борлигини олдиндан билганлари учун унга оқ йўл тилашди.**

– Мен Академияга ишонч билан ҳужжат топшириб, ўқишга қабул қилиндим, – дейди лейтенант Р. Норбўтаев. – Мақсадим терговчи бўлиш эди, орзуим ушалди. Аммо касб сир-асрорларини осонгина эгаллаяпман деб, айтолмайман. Устозим, подполковник Наримон Амарбакиевнинг ўгитлари, тажрибаси қўл келаяпти. Мураббийим жуда қаттиққўл, биз у кишини ярим ҳазил, ярим чин «темир одам» деймиз. Ана шу «темир одам» ҳужжатлар билан ниҳоятда батартиб ишлашни талаб қиладилар. «Терговчи билимдон, интизомли, юксак ахлоқли бўлиши шарт», дейдилар. Мен бу сўзларга амал қиламан, албатта.

Шаҳар ИИБда ўтган йили иш бошлаган ёш ходим тергов қилган айрим жиноят ишлари билан қизиқдик. Гулистон шаҳар ИИБга Улуғобод қўрғонида яшовчи Юнус Абдуллаевдан ариза тушади. Аризада унинг раҳбарлигидаги қўшма корхона учун чет элдан келтирилган 30 млн. сўмлик техниканинг энг керакли қисми йўқолгани маълум қилинган эди. Бу «иш» ёш терговчилар, лейтенант Раҳим Норбўтаев ва сержант Азиз Ҳабибуллаевга топширилди. Икки ходимнинг саъй-ҳаракати, устозлар тажрибасига суяниб иш кўришгани гумондор Ю. Улуғнинг ўғирлаган моторларни эгасига қайтаришига олиб келди.

Яна бир мисол. Шаҳар ИИБга фуқаро Т. Раҳматилла мурожаат этди. Унинг ёзишича, эрталаб совға-салом харид қилиш учун машинасида қизи ва икки ўғли билан бозорга боради. Ўғилларини машинада қолдириб, қизи билан ичкарига кириб кетади. Орадан ярим соат ўтмай, ўғли йиғлаб келиб, укаси билан уни бир кимса қўрқитиб, машина ичидаги пулларни олиб кетганини айтади. Шу тариқа 900 минг сўм пулидан айрилган фуқаро талончини ўғиллари кўрса танишини ҳам аризада қайд этган эди.

Жиноятни фош этишга терговчи Раҳим Норбўтаев яна ўша тезкорлик, синчковлик билан киришди. Маълумотлар тўплаш учун ҳатто қўшни туман ва шаҳарларда ишловчи ҳамкасбларига қўнғироқ қилди. Эртаси куниёқ Жиззах туманида худди шундай усулда талончилик содир этилгани ҳақида маълумот олди. Қидирув, суриштирув ишлари натижасида ниҳоят, вилоятма-вилоят кўчиб, жиноят содир этиб юрган андижонлик К. Низомжон ушланди. Ўз жойини устомонлик билан ўзгартириб юрадиган бу шахсни жабрланувчининг фарзандлари таниб, аниқ кўрсатиб бердилар. Шундан кейин икки ўғил: «Катта бўлсак биз ҳам ички ишлар ходими бўламиз», дейишди.

– Бу соҳани нега танламоқчисизлар? – дея уларга юзланганди Раҳим Норбўтаев.

– Талончини ушлайман, – деди болаларнинг кичиги.

– Болаларни уларни қўрқитиб, пулини тортиб оладиганлардан ҳимоя қиламан, – деди каттаси.

Ёш терговчи Раҳим Норбўтаев хизмат хонасида жиноят иши бўйича тўпланган маълумотлар папкасини ёпар экан, хаёлидан болаларнинг шу гаплари кетмай қолди. Орзуга айб йўқ. Айниқса, унинг замирида эзгу ниятлар ётган бўлса...

**Зулфия МЎМИНОВА.**

*Сирдарё вилояти.*

## Ватан ўғлонларин унутмас

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР УМР



**Ватан, киндик қонимиз томган муқаддас замин, унинг ҳар қаричи биз учун азиз, кўзларимизга тўтиё. Шу юрт, шу халқ тинчлиги, осойишталиги йўлида жон фидо қилган мард ва жасур ўғлонлар хотираси эса абадийдир, мангуликка дахлдордир. Эл-юрт тинчлигини бузиш мақсадида бузғунчилик, қўпорувчилик ҳаракатларини ташкиллаштирувчи ғаламис, ғаразгўйларнинг ўқига кўксини қалқон қилган қаҳрамонлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди.**



Подполковник Ҳасан Асадов ҳам ана шундай оловқалб, мард ва жасур, она юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида ўз ҳаловатидан, оромидан воз кечган фидойи инсон эди.

Ўқимишли, зиёли, барчага ибрат қилса арзигулик оилавий муҳитда туғилиб вояга етган Ҳасан ва Ҳусан Асадовлар ўқувчилик чоғлариданоқ ўзларининг тартиб-интизоми, тиришқоқлиги ва фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлишар эди.

Ўн тўрт йил ички ишлар идоралари тизимида фаолият юритиб, юртга, халқнинг тинч, осойишта ҳаётига раҳна солиш мақсадини кўзлаб турли бузғунчиликларга қўл урмоқчи бўлган ғаламисларга қарши курашган ва мардларча ҳалок бўлган Ҳасан Асадов таълим олган Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 48-ўрта умумтаълим мактабига борганимизда бизни ушбу таълим муассасасининг директори ўринбосари кутиб олди. Мақсадимизни билгач эса қаҳрамонимизга таълим берган устозларидан бирини бошлаб келди.

51 йилдан буён ёшларга таълим бериб келаётган Таисия Данько ҳали анча тетик эди. У Ҳасан Асадов тўғрисида сўзлаганимизда даставвал бироз жим қолди. Сўнгра дардчил овозда шундай деди:

– Ҳасан, Ҳусан Асадовларни жуда яхши эслайман. Эгизакларни бир-биридан ажратиб олиш жуда қийин эди. Худди кечагидек ёдимда, улар математика фанига ихтисослаштирилган синфда ўрта қатордаги учинчи партада ўтиришарди. Бир-бирига жуда ўхшашлиги, бир хил ва жуда озода, тартибли кийиниши, интизомли ва тиришқоқлиги учун ҳам уларни барча яхши танирди, ҳавас қилишарди. Ҳасан Асадов мен сабоқ берадиган математика фанидан энг яхши ўқийдиган ўқувчилардан эди. Шунингдек, кимё, биология фанларидан олимпиадаларда қатнашиб, мактабимиз шаънини муносиб ҳимоя қиларди. Айниқса, баскетбол унинг жону дили эди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, у жуда фаол, ўртоқларига меҳрибон эди. Мен унинг қандай ажойиб оилада ўсганлигини билганим учун ҳам бундан ажабланмайман. Чунки унинг ота-онаси юқори лавозимларда ишлашган инсонлар бўлса-да, жуда камтар, чин маънодаги зиёли, ажойиб инсонлар эди. Шунинг учун маҳалла-кўй орасида обрў-эътиборлари юқори эди, – деди суҳбатдошимиз. – Дарахтнинг меваси тагига тушади дейишади-ку, шундай ажойиб инсонларнинг фарзанди ҳам ўзига ўхшаши табиий. Қолаверса, оиладаги муҳит, тарбия энг асосий роль ўйнайди. Мен ўқувчим юрт посбони бўлиб, энг азиз бўлган тинчлик, осойишталик йўлида хизмат қилгани ва шу йўлда халқимизнинг мард ўғлони бўлганидан фахр-ифтихор ҳиссини туяман. Аммо ёвузлар ўқидан айни қирчиллама ёшида ҳалок бўлгани кўнглимни қаттиқ ўртаб юборди. Томирларимгача зирқираб кетди.

Ҳа, кўпни кўрган устоз Таисия Данько ҳақ гапни айтди. Марҳум Ҳасан Асадовнинг отаси Дамин ака узоқ йиллардан буён тиббиёт соҳасида ўз билими, гўзал инсоний фазилат бўлган камтарлиги, фидойилиги туфайли ҳурмат-эътибор қозонган инсонлардан. Масъулиятли раҳбарлик лавозимларида кўп йиллар фаолият кўрсатиб, ўзига муносиб шогирдлар тайёрлаган. Уни нафақат Тошкентда, балки республикада ҳам яхши танишади. Ўз соҳасининг билимдони сифатида эътироф этишади.

Ҳасан аканинг хонадонига кириб борар эканмиз, фарзандидан жудо бўлиб юрак-бағри эзилиб ўтирган ота-онаси, рафиқа ва фарзандларидан у ҳақида сўраш бизга ўнғайсиздай туюлди. Кўнгил ярасини янгилаб қўймасмиканмиз деган андишага бордик. Аммо тиббиёт фанлари доктори, профессор Дамин ака Асадов ва Сайёра аянинг илиқ, самимий кутиб олиши бизга далда берди.



**Марҳумнинг отаси Дамин ака (ўнгда), онаси Сайёра ая (ўртада), умр йўлдоши Башорахон опа ўғиллари Феруз, Равшан ва қизалоғи Сокинахонлар.**



**Ҳасан Асадовнинг устози Таисия Данько ҳамон ёшларга сабоқ бериш билан машғул.**

Бироз ўтиб Дамин ака бир нуқтага тикилганча оғир хўрсинди-ю;

– Ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин. Жуда оғир дард экан бу. Жуда оғир, – дея яна жим қолди. Кўзларидан ёш сизиб чиқган. Деворга осилган, стол устига қўйиб қўйилган суратларга қараймиз. Довюрак изқуварнинг айни қирчиллама ёшда тушган суратлари. Хушбичим хизмат кийимида тушгани, оила даврасида кулиб турган, фарзандларини тиззасига ўтқазиб тушган суратлари. Қизил духоба устига қўйилган II даражали «Шон-шараф» ордени. Дамин ака бир нуқтага тикилган кўйи ҳазин овозда марҳум фарзандини хотирлаб сўзлайди:

– Ўғлим Ҳасанжон эсини таниб мактабга чиқибдики, унинг ортидан фақат раҳмату, мақтовлар эшитганмиз. У жуда яхши ўқирди. Болалик чоғлариданоқ тиришқоқ, интилувчан эди, тартиб-интизомни яхши кўрарди. Боламнинг сўнгги кунигача баланд овозда гапирганини ёки қўпол сўзлар оғзидан чиққанини эслолмаймиз. Доимо шошиб юрарди. Эл-юрт хизматига умрини бағишлаганди. Дунёда қаҳрамонлар, юрт учун жон фидо қилган мардлар кўп. Мана шу қаҳрамонлардан бири менинг дилбандим экан, албатта, бундан фахрланаман, ғурурланаман. Аммо ўзимнинг, онасининг ғам юки, айниқса, бўзлаб қолган фарзандлари, келинимнинг кўзларига қараш... осон эмас экан...

Сайёра аянинг эса кўзларида ёш Ҳасан аканинг суратига тикилганча унсиз ўтирибди.

Бошига рўмол ўраб одмигина кўйлакда ўз юмушлари билан юрган Башорахон опани суҳбатга тортаман қуюқ киприкларида осилиб турган ёш томчилари юзларига юмалаб тушади. Кутилмаганда умр йўлдоши, тоғдай суянчиғидан айрилиб қолган бу аёлга нақадар қийинлигини ҳис қиламан. Бунчалар бардошли бўлмаса аёл зоти дея ўйга толасан киши. Шу пайт эшикдан чамаси 5 ёшлардаги қизалоқ кириб келди-да, онасининг пинжига тиқилди.

Башорахон опа қайнона-қайнотасидан уялибгина, ийманиб паст овозда аммо меҳр ва дард билан гапиради.

– Менинг бахтимга ҳамма дугоналарим ҳавас қилишарди. Негадир уларни йўқотиб қўйишдан жудаям қўрқардим. Ҳасан акамни эрталаб соат олтида кузатиб қўярдим. Кўпинча тунда, баъзан тонготарда ишдан қайтсалар-да, мижжа қоқмай уларни кутиб, дарвозага термулиб ўтирардим. Билсангиз, бу мен учун улкан бахт эди. Уларнинг ишлари қай даражада масъулиятли, машаққатли эканлигини, энг асосийси, у киши касбини жуда ардоқлашини яхши билардим. Шу боисдан уларни очиқ юз билан кутиб олиб, хуш кайфиятда ишга кузатардим.

Умр йўлдошим бизга жуда меҳрибон, ғамхўр, оилапарвар инсон эдилар. Агар қайта туғилсаму, Ҳасан акам яна қўлимни сўрасалар, ҳеч иккиланмай рози бўлардим, – дейди Башора опа.

Шу пайт Сокина ҳам дадасини эслаб қолади.

– Дадам мени жуда яхши кўрардилар. Мен уларни уч кунлаб, баъзан ҳафталаб кўролмай қолардим. Чунки дадам мен ухлаб қолганимда келиб, уйғонмасимдан яна ишга кетардилар. Эрталаб уйғонсам ёстиғим олдида шоколад, ўйинчоқлар бўларди. Ҳозир ҳар куни дадамни тушларимда кўраман, соғинаман, фақат онам йиғлаб қолмасин деб уларга айтмайман.

Кичкина Сокинанинг мулоҳазалари кўнглимизни ўртаб юборади.

Феруз Ҳасан аканинг тўнғич фарзанди. У ҳозирда академик лицей ўқувчиси. Отаси – моҳир изқувар, юртнинг асл ўғлони Ҳасан ака билан фахрланади, ғурурланади.

– Кутилмаганда отамдан жудо бўлиш менга қаттиқ таъсир қилди. Ўша бузғунчи, ғаламисларга бўлган нафратим янада ошди. Келажакда отамнинг издоши бўлиб, шу юртга хизмат қилишга аҳд қилдим. Мен шундай оловқалб инсоннинг зурриёди эканимдан фахрланаман, – дейди Феруз қатъият билан.

Бизни кузатиб қолар экан, Дамин ака шундай дейди:

– Боламнинг хизматини юқори баҳолаган Юртбошимиздан, Ички ишлар вазиридан, оғир дамларимизда ёнимда турган сафдошларидан миннатдорман.

Шунчалик эътибор кўрсатганлари учун ҳаммаларига катта раҳмат. Умриларидан барак топишсин.

Ҳа, элга-юртга қилинган хизмат, садоқат ҳеч қачон унутилмайди. Зеро, мана шундай инсонлар бор экан, тинчлигимиз, осойишталигимиз барқарор бўлаверади. Ғанимлар йўли тўсилаверади.

Ҳасан аканинг хонадонини тарк этар эканмиз, унинг ортида Феруз, Равшан ва Сокинахон сингари фарзандлари, ҳаётининг давомчилари борлиги, Ҳасан ака уларнинг юрагида, ҳаётида ҳамиша барҳаёт эканлиги кўнгилларга таскин беради.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**
**Ҳ. ХОЖИХОНОВ,**
**ШТБИХ МТБ катта инспектори.**

Профилактика хизмати

# ЭЛ ИШОНЧИН ОҚЛАБ

**Ёзёвон тумани ИИБ шахсий таркиби ўртасида ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат шу қадар кучлики, ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Дейлик, бирорта ҳуқуқбузарлик юз берса, токи у фош этилиб, жабрланувчининг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тикланмагунча ҳеч ким тиним билмайди.**



*Профилактика инспектори, катта лейтенант Мансур Иномов туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Маъруфжон Ҳасанов билан.*

– Сизни Мансур билан учраштираман, – деди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Маъруфжон Ҳасанов ниятимизни билгач. – У фидойи профилактика инспекторларимиздан бири. Хўп десангиз, ҳозир шахсий таркибни сафга тизаман. Қаторнинг бошида турадиган, бўйи икки метрдан кам бўлмаган, қўллари ҳам нақ кетмондай-кетмондай келадиган йигит айнан ўша Иномов бўлади, бунга ишонаверинг!

Катта лейтенант Мансур Иномов билан мулоқот чоғида унинг нақадар азамат, ўктам бўлса, танлаган касбига садоқати ҳам шу қадар чексиз эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

– Ички ишлар идораларидаги хизматни 1997 йилда алоҳида топшириқларни бажарувчи милиция отрядидан бошлаганман, – деди Мансур камсуқумлик билан. – Кейинчалик пост-патруль хизмати милиционери, Марғилон шаҳар ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари инспектори, ҲООБ профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатдим. Уч йилдан бери эса эгаллаб турган лавозимимда ишлаб келяпман.

Профилактика инспектори хизмат кўрсатаётган 244-милиция таянч пункти жойлашган Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 12 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг орасида битта жанжалкаш оила, 4 нафар ичкиликка муккасидан кетган, 5 нафар диний-экстремистик оқимга аралашиб қолган, 7 нафар муқаддам судланган шахслар бор. Шулардан 3 нафари маъмурий назорат остига олинган.

Катта лейтенант М. Иномов аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар ташкил этиш, маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш билан бирга, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» очишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

«Зарбулоқ» фермер хўжалиги даласидан нархи бир ярим миллион сўмлик от ўғирланди. Ички ишлар ходимлари бу ҳақда хабар олиши билан воқеа жойига ошиқишди. Фермер хўжалиги аъзолари билан қилинган суҳбатлар, яқин-атрофдаги хўжаликларда ўтказилган суриштирувлар бесамар кетди. Аммо шу ўринда Мансурнинг иқтидори қўл келди.

У асли Андижон вилоятида туғилган Раҳимжон Бакиров деган шахс жиноят содир этилмасдан тахминан бир ҳафта олдин шу фермер хўжалигига қўйбоқар бўлиб ишга кирганини, кейин номаълум сабабларга кўра кетиб қолгани ҳақидаги маълумотни қўлга киритди. Фермер хўжалиги раҳбари Раҳимжонни олдиндан таниса ҳам, яқиндан билмаслигини айтди. Мансур айнан ўша йигитдан шубҳаланиб, у отни дала йўллари орқали Наманган вилоятига олиб кетган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминни олға сурди.

– Узоқ йиллардан бери маҳалла посбони бўлиб ишлаётган Ориф ака Холматов энг ишончли маслакдошимга айланган, – деди Мансур Иномов. – У киши билан Тўрақўрғон туманига жўнадик. Гумондорни ҳам, отни ҳам танийдиган фермер хўжалиги аъзоларидан икки нафари бизга ҳамроҳ бўлди. Йўл-йўлакай учраган одамдан бемаҳалда от миниб ўтган кимса ҳақида сўраб-суриштириб, ниҳоят катта қурама маҳалласида истиқомат қилаётган Раҳматилла Каримовнинг хонадонига кириб бордик.

Шу ерда ўзимиз излаётган отни кўрдигу худди ҳайитлик олган боладек қувониб кетдик. Хонадон эгаси 28-30 ёшлардаги бир йигит шу отни сотиш учун олиб келгани. аммо унинг ўғирланганини айтмаганини маълум қилди. У ишончли бўлиши учун фуқаролик паспортини ҳам ташлаб кетибди. Гумондор чиндан ҳам бир неча марта судланган Раҳимжон Бакиров эканлиги маълум бўлиб. орадан кўп вақт ўтмай қўлга олинди. Суриштирувлар натижасида жиноятни гумондорнинг бир ўзи амалга оширмагани, балки фермер хўжалиги раҳбарининг шу ерда молбоқар бўлиб ишлаган куёви яқиндан ёрдам бергани аниқланди.

Бу – катта лейтенант Мансуржон Иномовнинг фаолиятидан бир лавҳа, холос. Унинг танлаган касбига муносабати аллақачон ҳамкасблари ва раҳбариятнинг назарига тушганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Туман ИИБ бошлиғи, майор Ҳаётали Содиқовнинг айтишича, эл-юрт осойишталиги йўлидаги садоқатли хизмат ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслиги керак. Шуни назарда тутган ҳолда профилактика инспектори, катта лейтенант М. Иномовдан сир тутган ҳолда унга кутилмаган совға тайёрланди. Мансур бундан айнан Ички ишлар идоралари ходимлари куни вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган тантанали маросимда хабар топди. Шу ерда унинг камтарона хизмати эътироф этилиб, «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Ростини айтсам, бир неча ойдан бери оиламизда ҳеч кимнинг ичига чироқ ёқса ёримаётганди, – дейди Мансур ўйчан қиёфада. – Айни куч-қувватга тўлган, ички ишлар идорасига хизматга кириш иштиёқида юрган укам Рустамжондан ажралиб қолдик. У автофалокат туфайли оламдан кўз юмди. Менинг тақдирланганим баҳонасида туғишганларим кайфиятидаги оғир рутубат чекингандек бўлди.

– Навбатдаги режаларингиз нималардан иборат? – сўраймиз ундан.

– Биринчи галда ўзимга бириктирилган ҳудудда истиқомат қилаётган, мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган, кези келганда сирлашиб, дилини ёраётган фуқароларнинг ишончини янада кўпроқ оқлагим келади.

Биз профилактика инспекторига омад тилаб, хайрлашдик.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**
*Фарғона вилояти.*

# Йўл ҳаракати хавфсизлигига масъулмиз

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Йўл ҳаракатини самарали ташкиллаштириш, янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари ва кўчаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, йирик бозорлар атрофида ҳаракат хавфсизлиги таъминланишини яхшилаш, тирбандликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 50 дан зиёд ахборотнома, ҳокимликлар ва йўл ташкилотларига эса 100 дан ортиқ тақдимномалар киритилди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан ушбу йўналишда ҳар йили мунтазам равишда «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чироқ» каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тарғибот ишларининг сифатини ошириш мақсадида ташкил этилган студия томонидан «Тезкор хабарлар» кўрсатуви учун лавҳалар, «Автоҳамроҳ: ЙТҲ, таҳлил, тафсилот» кўрсатувлари тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

**– Кенг кўламли тадбирлар олиб борилаётгани кўриниб турибди. Айтинг-чи, бу қандай самара бермоқда?**

– Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг саъй-ҳаракатлари, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари тўғри йўлга қўйилгани туфайли яхши натижа қайд этилди. Айтайлик, 2009 йилнинг ўн бир ойи давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9777 тадан 9731 тага камайишига эришилди. Шунга қарамай бу кўрсаткич юқори эканлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Негаки, тилга олинган ҳодисалар оқибатида 2015 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 10484 нафари тан жароҳати олган.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши самарадорлигини янада юксалтириш учун вазирликлар, давлат қўмиталари, муассасалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, жойлардаги ҳокимлик, идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш зарур. Шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, бу билан жамиятга етаётган моддий ва маънавий зарарнинг олдини олиш, айниқса, келажак авлоднинг соғлиги учун барча ҳамжиҳатликда ишлаши талаб этилади. Бундан ташқари, фуқароларимиз йўл ҳаракати қоидаларини чуқур билиши, унга ҳурмат билан қараши, транспорт воситасини бошқариш маданиятига риоя қилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, республика ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишга қарор қилинди.

**– Ҳукуматимизнинг бу борадаги фармойиши ижросини таъминлаш бўйича соҳа ходимлари олдида қандай вазифалар турибди?**

– Фармойишда мамлакатимиз ҳудудидаги транспорт, пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ҳамда жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ўқув юртлари, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни янада яхшилаш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш асосий вазифалар этиб белгилаб берилган.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузиш, ойликка оид тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳомийлар ёрдамида «Болалар автошаҳарчалари» барпо этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш юклатилган. Шунингдек, жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ҳақида реклама ёзувлари, плакатлар жойлаштириш, ҳар ўн кунда тадбирнинг боришини муҳокама этиш ва жамоатчилик иштирокини баҳолаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Миллий ахборот агентлиги томонидан ҳам тадбир доирасида муайян ишлар амалга оширилади.



*Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ АМБ 5-сафарбарлик гуруҳи командири, капитан Ахрор Маннопов, гуруҳ ЙПХ инспектори, кичик сержант Нодир Раҳмоновга йўриқнома бермоқда.*

Албатта, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги тадбирларни йил давомида амалга ошириб борамиз. Лекин афсуски, йўлларимизда ҳамон нохуш ҳодисалар рўй бермоқда. Унинг олдини олиш учун эса одамлар онгида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруратини шакллантириш даркор. Ҳар бир киши йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлсин, ўзи ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

**– Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Мамлакатимиз автомобиль йўлларида болалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши қандай?**

– Бу ҳақда ўйлар эканман, кўз олдимга катта кўчада қаровсиз юрган болалар ва уларга эътибор қилмаётган катталар келади. Миямда нега, нима учун, деган саволлар ғужғон ўйнайди. Ўзимча шу саволларга жавоб топиш, фикрларимни кенг жамоатчилик, мутахассислар билан ўртоқлашиш, оз бўлса-да муаммо ечимига ўз ҳиссамни қўшишга интиламан. Тўғрида, бугун мен индамасам, эртага сиз гапирмасангиз, фарзандларимиз, мустақил юртимиз келажаги бўлган болалар тақдирини ким ўйлаши керак? Нега биз, катталар юзлаб бегуноҳ болажонларимиз ҳаётдан бевақт кўз юмаётганига бунчалик бепарвомиз?

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини бир оз таҳлил қилиб кўрайлик. Хўш, бола нима учун ғилдираклар остида қолади? Бунинг сабаби нимада? Келинг, мана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилайлик. Бунда энг аввало катталарнинг айби кўп, деб биламан. Негаки, аксарият ота-она фарзандига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий талабларини тушунтирмайди. Мактабида ўқитар, шуни ҳам гапириб ўтирамanми, деган нотўғри тушунчада юради. Бола катта кўчани нотўғри, белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётганини кўриб туриб, уни бу йўлдан қайтармайди. Айримлари: «Ҳей, эҳтиёт бўл!», дейишдан нарига ўтишмайди. Устига-устак танбеҳ берган ҳайдовчини «болохонадор сўзлари» билан сийлашади. Бундай муносабат нотўғри-ку, ахир. Энди бевосита болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида гапирадиган бўлсам, 2009 йилнинг ўтган даврида республикамизда улар билан боғлиқ 1717 та ҳолат аниқланди. Бу фалокатларда 261 нафар норасиданинг умри хазон бўлди. 1541 нафар бола турли даражада тан жароҳати олди. Уларнинг кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Илм масканига бириктирилган ходимнинг асосий вазифаси «Йўл ҳаракати қоидалари»дан сабоқ берадиган муаллимларга кўмак ва йўналиш беришдир. Чунки, дарс ўтиш учун педагогик тажриба ва малака зарур. Болага эса ҳар бир нарсани тушунарли қилиб етказиб бериш керак. Бунда ўша айтиб ўтганимиз – педагогик маҳорат катта аҳамият касб этади. Ойлик давомида бу каби тадбирлар янада кучайтирилган тарзда амалга оширилади.

Йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимининг вазифаси, деб қарамаслик лозим. Чунки ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, демак сиз ҳам ҳаракат иштирокчисига айландингиз. Ўз-ўзидан равшанки, белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кечикиш ёки шошилиш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болалар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишлари шарт.

**– Суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатни С. ШОДИЕВ ёзиб олди.**

**Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида ёз эрта бошланиб, куз ойларида ҳам иссиқ одам оёғини куйдирай дейди. Қишини эса қўяверинг. Биринчи бор бу ерларда бўлган киши совуғига чидаши қийин. Қизилқум саҳросида жойлашган Учқудуқ тумани аҳолиси эса бундай об-ҳаво шароитига кўникиб кетган.**

# БЕПОЁН ЧЎЛ БАҒРИДА

Туман марказидан 35-50 километр узоқликда жойлашган «Авангард», «Мингбулоқ», «Томдитруба» овуллари, «Кўкпатас» қўрғони, «Қулқудуқ», «Юзқудуқ» хўжаликларида истиқомат қилувчи аҳолининг қарийб 95 фоизини қардош қозоқ миллати вакиллари ташкил этади. Бепоён чўл бағрида жойлашган чегара ҳудудга хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида қайта қурилиб, «Кўкпатас» маҳалла фуқаролар йиғини билан бир бинода фаолият кўрсата бошлади. Мазкур масканга узоқ йиллик тажрибага эга бўлган капитан Ашраф ака Зокиров профилактика инспектори этиб тайинланган. Ўзига бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда фаоллар, маҳалла ва овул посбонлари билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган турли профилактик тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари самараси ўлароқ, йилдан-йилга содир этилаётган жиноятлар камайишига эришиб келмоқда.

Ашраф ака вазият барқарорлиги фуқаролар осойишталигини таъминлашни вазифа эмас, балки бурч деб билади. У киши хизмат қилаётган маъмурий ҳудуд хийла мураккаб, яъни хўжаликлар, овул, маҳалла ва қўрғонлар бирбиридан узоқда жойлашган. Бу ерда ўн тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 47 фоизини эса ёшлар ва вояга етмаганлар ташкил этади. Ашраф акада шундай хислат борки, ёш бола билан ҳам тил топиша олади, унинг келгуси режа ва мақсадлари ҳақида билиб, йўл-йўриқ кўрсатади. Шу боис бўлса керак, жорий йилда вояга етмаганлар томонидан бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ёзнинг жазирама кунлари, қишнинг қаҳратон совуқларида чўлда юришни тасаввур қилиб кўринг. Жорий йилнинг август ойлари. Қуёш атрофни тандирдек қиздирган. Айниқса, чўлда ҳарорат бошқа жойларга қараганда 10-15 даража юқори. Туман ИИБ навбатчилик қисмига марказдан эллик чақирим узоқликда жойлашган «Юзқудуқ» хўжалигида истиқомат қилувчи аҳолининг 25 бош майда туёқли моллари номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар келиб тушди. Ашраф аканинг аҳоли ҳамда чегара ҳудудларида хизмат ўтаётган чегара посбонлари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйгани иш берди. Мазкур жиноятни зарафшонлик С. Алайдаров содир этганлиги аниқланиб, жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман суди томонидан жазога тортилди.

Ашраф аканинг фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида ноқонуний равишда ов қуроли сақлаётган уч нафар фуқарога нисбатан ҳужжатлар тўпланиб, чора кўриш учун туман судига тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, капитан А.Зокиров маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда ҳудудда осойишталикни таъминлаш учун фидойилик билан хизмат қилмоқда. Табиийки, жипслик бўлган жойда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураверади.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**
*Навоий вилояти.*

Йўл бошида

# «ЯРИМ СОАТ ВАҚТИНГИЗНИ МЕНГА БЕРИНГ...»

Биз азалдан болажон халқмиз. Уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, бағрикенглик кўпчилигимизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

– Кунларнинг бирида хизмат хонамга профилактика инспектори адашиб қолган ўн тўрт ёшлардаги болани олиб келди, – дейди Тошкент тармоқ ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Нарзулла Исирғапов. – Унинг ақли заифлиги сабабли ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмади. Болани Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирдик. Ота-онасини топиш мақсадида газетада бу ҳақида хабар ёритилди. Бундан ташқари, сурати Ўзбекистон телевидениесининг «Меҳр кўзда» кўрсатуви орқали намойиш этилди. Олиб борган саъй-ҳаракатларимиз натижасида боланинг ота-онаси топилди. Улар жуда хурсанд бўлиб, бизни дуо қилишди. Бизнинг ҳам кимгадир ёрдамимиз текканидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Бўлим ходимлари амалга ошираётган бундай хайрли ишлардан кўплаб келтириш мумкин. Айни пайтда улар вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида темир йўл бекатлари олди ва атрофидаги турар жойлар, мактаблар, шунингдек, йўловчи ташувчи поездларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришаяпти. Мазкур тадбирларда болалар билан бир қаторда уларнинг ота-оналари, таълим-тарбия муассасаларининг раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳам қатнашиб, ўз мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Бугунги кунда келажагимиз эгалари соғлом, интеллектуал салоҳияти юқори, билими мустаҳкам бўлиши учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Шу мақсадда компьютер синфлари, турли спорт ва фан тўгараклари ташкил этилган. Бундан кўзланган яна бир мақсад, ҳеч бир болани бекор қўймасликдир. Айниқса, таътил пайтида темир йўлларда бесабаб юрмасликлари ва пиротехника маҳсулотларидан фойдаланмасликлари диққат марказида.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, ҳамма жойда ҳам ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мактаб раҳбарлари вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жиддий эътибор беришяпти, деб бўлмайди. Бемаҳалда назоратсиз юрган боланинг тақдири негадир уларни қизиқтирмайди. Жорий йилнинг 10 ойи давомида ички ишлар идораларига турли хил ҳуқуқбузарлик содир этган 600 нафардан зиёд вояга етмаганлар олиб келингани фикримизнинг далилидир. Шулардан 30 нафардан ортиғи Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган.



*Транспорт ИИБ ВЕОҲООБ инспектори, катта лейтенант А. Обидов ҳамда ППХ ва ЖТСБ милиционери, сержант Ш. Очилов хизмат пайтида.*

Кўплаб бахтсиз ҳодисалар ҳам асосан вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши оқибатида содир бўлмоқда. Масалан, С. Раҳимов – Ўртаовул бекатлари оралиғида қаровсиз қолган И. Нишоновни электровоз уриб юборган. Ўсмирлар А. Дуннев, А. Голубев ҳамда С. Менисиповлар кечқурун вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай уйларига қайтишмаган эди. Улар ўзбошимчалик билан Сирғали бекатида турган вагон устига чиқишади. Шунда беихтиёр тепадан ўтган юқори кучланишли электр токига тегиб кетишади. Ток урган болалар шифохонага ётқизилди.

Темир йўл атрофида ўсмирлар томонидан майда ўғриликлар қилиш, вагон ойнасини синдириш, мол боқиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учраб турибди. Ота-онасига мактабга кетдим деб, компьютер хоналарда вақтини ўтказаётганлар ёки кўчада бемақсад юрганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун эҳтиёт чораси сифатида бундай ўсмирларнинг яшаш жойлари, ҳокимликлар қошидаги ёшлар билан ишлаш комиссияларга маълумотномалар, ўқиш жойларига эса хабарномалар юборилияпти. Соҳада катта тажриба тўплаган ходимлар, катта лейтенантлар А. Абидов, Б. Салимов, У. Абдуллаев ва Х. Аҳмедовларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бир қанча ўсмир ота-онаси назоратига олинди. Бугунги кунда уларнинг феълатвори ва ўқишида ижобий ўзгариш сезилмоқда.

Шу ўринда қайсидир китобда ўқиганим, ота-бола ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ёдимга тушди. Бир бола:

– Дадажон, бир соатда қанча пул топасиз? – деб сўрабди отасидан.

– 10 минг сўм. Топиш-тутишим билан нега қизиқиб қолдинг?

– Менга 5 минг сўм бера оласизми?

– Нима қиласан пулни? Ундан кўра дарсингни тайёрла! – аччиқланибди ота.

Бундан ранжиган бола ўз хонасига кириб кетибди. Фарзандининг кўнглини оғритиб қўйганини сезган ота хатосини тушуниб етибди чоғи унинг ёнига бориб, 5 минг сўм пул берибди. Бола пулни отасига қайтарар экан:

– Дада, мана 5 минг сўм. Олингда, ярим соат вақтингизни менга беринг, – дебди.

Ҳа, биз, катталар, фарзандлар тарбияси учун етарли вақт ажратсаккина юқоридаги каби аянчли ҳолатлар рўй бермайди. Йўл бошида турган ўсмирлар тақдирига бефарқ бўлмайлик, уларни назоратсиз қўймайлик, азизлар. Зеро, нуридийдаларимиз шу юрт келажагидир.

**Гўзал ЖАФАРОВА.**



# Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда



**Агар кундалик турмушимизда рўй бераётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр асбобларни ўз билганларича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатни корхона, ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бегам бекаларимиз эса газ плитасида қозонни қолдириб, ҳаддан зиёд ёғ қизиб, ёниб кетиш натижасида ёнғин сабабчиси бўлиб қолишаяпти.**

## ЗИЙРАКЛИК ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Г. Содиқованинг хонадонида айнан шу сабабли ёнғин келиб чиқди. Оқибатда ошхонанинг том қисми ёниб, зарар кўрди. Фуқаро Х. Азизовнинг хонадонида ҳам эътиборсизлик оқибатида рўй берган ёнғинда 65 кв.м майдондаги том қисми ва уй жиҳозлари ёниб, кулга айланди. Уй эгаси жиддий тан жароҳати олиб, шифохонага ёткизилди. Учтепа туманида яшовчи М. Саидаҳмедовнинг уйида телевизор симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлди. Телевизор ва юмшоқ мебелдан ажралган хонадон эгалари бундан кейин зийракроқ бўлишларига тўғри келади.

Болаларнинг олов ўйнаши сабабли Шайхонтоҳур тумани Марказ-15 мавзесида йиғилиб қолган ахлат чиқиндилари ёнган. Бундай ҳодисалар ҳар биримизни мушоҳадага ундайди. Чунки ёнғин офати нафақат уй ва жиҳозларга шикаст етказади, балки инсонлар соғлиғига ҳам жиддий хавф солади. Шунинг учун биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни доимо огоҳликка чақирамиз.

**М. АКБАРОВА,**
**катта сержант.**
*Тошкент шаҳри.*

## БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ БЎЛГАН ВАЗИФА

**«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни Тошкент вилояти ҳудудида ҳам намунали ташкил этиш борасида тузилган режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Ҳар гал ушбу тадбир айнан куз фаслининг охирида, қишнинг бошида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки бу даврга келиб ҳароратнинг кескин пасайиши, қировли кунлар бошланиши, фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжи бир мунча ортиши, шу боис қўлда ясалган, носоз ва хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида вилоятда жами 1347 та ёнғин содир бўлиб, корхона ва ташкилотларга, фуқароларимизга 481 млн. 195 минг сўмликдан ортиқ моддий зарар етди. Ушбу ёнғинлар натижасида 14 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган бўлса, 87 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг қарийб 71,7 фоизи хонадонларда юз берган. Асосий ёнғинлар печ, газ ҳамда электр ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, қолаверса, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, энг ачинарлиси, ёш болаларнинг ўт ўйнаши оқибатида содир бўлган.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари хонадонларда бўлиб, ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор беришмоқда. Тадбир давомида бундай ишларни янада жонлантириш ва бу вазифага оммавий ахборот воситалари, меҳнат жамоалари, маҳалла фаолларини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бепарволик ва қоидага хилоф равишда иш тутишни кечирмайдиган олов бир неча дақиқада мол-мулкни кулга айлантиради, инсонлар ҳаётига жиддий хавф солади. Айрим жойларда ёнғин хавфсизлиги талабларига зид равишда, бир-бирига жипслаштириб қурилган иморатлар ёнғин юз берган пайтда анча кўнгилсизликлар келтириб чиқаради. Бундай пайтда олов қўшни хонадонга ўтиб кетиши мумкин. Кўчаларнинг бошига сунъий тўсиқлар ўрнатилиши ҳам кўп ҳолларда ёнғин ўчириш машиналари воқеа жойига тез етиб боришига тўсқинлик қилади. Жойларда ўтказилаётган текширувларда ана шу жиҳатларга жиддий эътибор берилаяпти.

Тадбир давомида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тез-тез мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, ёнғин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларини болажонларга тушунтириб боришмоқда. Ўтказилаётган суҳбатлар самарадорлигини ошириш мақсадида бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий асбоб-ускуналар, уларни ишлатиш тартиби тушунтирилиб, кўрсатиб берилаяпти. Бундан ташқари, ёнғинлар қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар намойиш этилмоқда. Шунингдек, тадбир давомида газ ҳамда электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказилаяпти. Булардан кўзланган мақсад фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган офатларнинг олдини олишдан иборат.

Зеро, бу бир кунлик ёки мавсумий эмас, балки ҳар биримиз масъул бўлган доимий вазифадир.

**Тоҳир АРИПОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи,**
**подполковник.**



**Оловдан тўғри фойдаланмаслик, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. ?Қиш фаслида ҳавонинг совиши натижасида ёнғинлар сони ҳам сезиларли даражада ошиб кетади. Сабаби, айрим фуқаролар кўлбола электр ҳамда газ воситаларидан фойдалана бошлайдилар. Бу эса турли нохуш воқеалар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шунинг учун мавжуд газ ва электр иситиш мосламалари созлигини мутахассислар кўригидан ўтказиш зарур.**

## ЁНҒИН ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ҳозирда республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ ходимлари аҳоли кенг табақасини ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларда фаол қатнашишга жалб қилиш йўли билан халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали фаолият олиб боришмоқда.

Бухоро шаҳар газ таъминоти идораси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда мунтазам текширувлар ўтказилмоқда. Жорий йил давомида аҳоли хонадонларида 18457 та, корхона ва ташкилотларда эса 135 та мўри кўрикдан ўтказилди. Ёнғин бурчакларидаги мавжуд анжомларнинг созлигини таъминлаш ҳам диққат марказида. Ўтган давр мобайнида 367 дона ўт ўчиргич қайта кучлантирилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар томларининг ёғоч қисмларига кимёвий ишлов берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, профилактик тадбирлар моҳиятини билмай, уни назарига илмай келаётган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, йил бошидан буён мўриларнинг созлиги текширилиб, мавсумга шай бўлмаган хонадонлар сони 1430 тани ташкил этади.

Тўғри, мўрини кўрикдан ўтказиш пуллик хизмат ҳисобланади. Бироқ ҳақини тўлашни истамай, хизмат кўрсатилиши бош тортган хонадон эгалари кутилмаганда ёнғин чиқиб қолганда катта моддий зарар кўришлари мумкинлигини ўйлаб кўришмайди. Мўрилар йил давомида ишлатилмагандан кейин қурум тўлиши ёки уларга қушлар уя қуриб, хас-хашаклар билан тўсиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун уларни албатта мутахассис назоратидан ўтказиб, яроқлилиги, ёнғин хавфсизлиги талабларига мослигини кўздан кечириш шарт. Уларнинг рухсати билангина газ иситиш печларидан фойдаланиш лозим. Ана шунда хавфсизлик қоидалари таъминланган бўлади.

Бухоро шаҳрида содир бўлган бир қатор ёнғинлар ҳам асосан хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатида юзага келган. Масалан, Боғишамол кўчасидаги хонадонда ёнғин содир бўлди. Бунинг сабаби, ҳаммомга резина шланг ёрдамида газ уланган. Ёки бошқа бир ҳолатда Лолазор кўчасидаги хонадонда қаровсиз қолган ёш боланинг гугурт ўйнаши, ёнғин чиқишига олиб келган. Бундай ҳодисалар, афсуски, тез-тез учраб турибди.

Кейинги пайтда Эрондан келтирилган газ печларидан фойдаланиш урфга айланиб қолди. Лекин уни кўп қаватли уйларга ўрнатиш умуман тақиқланади. Бу ҳақда кўп бор тушунча берсак-да, айрим фуқаролар эътиборсиз қарашмоқда. Ўтказилган рейдлар давомида жорий йилда 30га яқин хонадон эрон печидан фойдаланилаётгани аниқланди. 10 та хонадонда эса ўзбошимчалик билан қозонхоналар ўрнатилиб, уларга газ резина шланглар ёрдамида уланган эди. Албатта, бу қозонхоналар олиб ташланди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан ўзимиз, ўз уйимиз, қолаверса, яқинларимизни кутилмаган кўнгилсизликдан асраган бўламиз. Буни асло унутмайлик!

**Ҳикмат ЖУМАЕВ.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*

## ҚИШ ҒАМИ
### уни ёзда ейиш керак

**Халқимиз бу мақолни бежиз айтмайди. Зеро, ёзнинг жазирама кунларида қиш мавсумига ҳозирлик кўрилмаса, совуқ тушганда афсусланиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис республика Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 23 июнда «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2009/2010 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида» Қарор қабул қилди.**

Мазкур Қарорга асосан зиммамизга юклатилган вазифани тўлиқ ва сифатли бажариш учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, олий ва ўрта-махсус билим юртлари ва даволаш масканларидаги иситиш мосламалари созлигига қаратилмоқда. Албатта, бундай кенг қамровли ишлар ҳамкорликда бажарилмаса, кўпгина қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Шунинг учун ҳам жойлардаги газ ва электр тармоқлари идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа дахлдор ташкилотлар билан биргаликда ёнғин ўчириш қисмлари шахсий таркибини жалб этган ҳолда уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилмоқда.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, ёнғинларнинг 75-80 фоизи аҳоли турар жойларида содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Шу боис ҳозирга қадар 589 мингга яқин хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ назоратдан ўтказилди. Текшириш жараёнида иншоотлардан ўтган электр симлар, иситиш печлари, газ мосламаларининг созлиги, уларнинг ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида бўлишига эътибор берилди.

Вилоят иқтисодиёти тармоқларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида тезкор текширувлар ўтказилиб, 27 та носоз дудбурон, 7 та газдан резина шланг улаб, 4 та электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари аниқланди.

Шу ўринда ўлкамизга қиш фасли кириб келган бўлса-да, айрим муассаса, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари мавсумни муваффақиятли ўтказишга етарли эътибор бермаётганини айтиб ўтиш лозим. Бугунги кунда республикамизда ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган.

Шундай экан, жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий муносабатда бўлиш талаб этилади. Зеро, арзимаган бефарқлик ёмон оқибатларни келтириб чиқармасин. Сўнгги пушаймондан эса ҳеч қандай наф йўқ.

**Рустамжон АБДУЛЛАЕВ,**
**ИИБ ЁХБ катта муҳандиси,**
**майор.**
*Наманган вилояти*

## Миннатдорчилик

**Умр деб аталмиш иноятдан баҳра олишда бир синов ҳам борки, бу имтиҳонни ҳар бир инсон бошидан кечиради. Бу – ҳаёт имтиҳони. Мен бу йил эллик баҳорни қаршиладим. Ярим асрлик умримнинг ярмидан кўпи ўша синовларда гоҳ силлиқ, гоҳ эса ташвишли ўтди.**

## УМИДЖОНДАН ХУРСАНДМАН

Айниқса, кейинги ўн йил давомида бир неча ногирон инсон парвариши, уларни оқ ювиб, оқ тараш, вақтида озиқ-овқатларини бериш мени анча толдади. Дадам Мамасоли Йўлдошев биринчи гуруҳ ногирони эди. Икки оёғи ишламаганига яраша, кўзлари ҳам кўрмасди. Устига-устак, укам Ҳамробек ҳарбий хизматдан келгандан сўнг унга безорилар оғир тан жароҳати етказгани сабабли ақли ноқис бўлиб қолди. У ҳеч кимга қулоқ солмай, кўчага чиқиб кетадиган, 1-2 кунлаб уйга келмай қоладиган бўлганда анча қийналдим. Чунки уларга қарайдиган онам вафот этган эди. Ўғлим ҳам ногирон бўлиб, аравачада ўтирарди. Туғилиб ўсган уйимда эса икки нафар ногирон қаровчиси йўқлигидан менга суяниб қолишганди.

Баъзи кунлари – укам йўқолиб қолган кезлари дадамни ташлаб чиқиб кетиб, уни излай олмас эдим. Шунда ўзга инсоннинг ёрдамига жуда муҳтож бўлганимдан қўшниларга мурожаат қилардим. Ноилож, маҳалламиз профилактика инспектори, капитан Умиджон Облобердиевга барча ҳасратларимни айтдим.

Умиджонга катта раҳмат, ёрдамини аямади. Иши кўплигини баҳона қилмай, укамни гоҳида бошқа қишлоқ ёки маҳалладан топиб келар эди.

Маҳалла катталарининг маслаҳати билан уни руҳий касалликлар шифохонасига топширдик. Барча ҳужжатлаштириш, керакли идораларга учрашишда ҳам Умиджон жонимизга оро кирди.

Мен шундай раҳмдил ички ишлар ходими борлиги учун Олтин-кўл тумани ИИБ раҳбариятига, уни тарбиялаган ота-онасига ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни айтмоқчиман. Ички ишлар идораларида фидойи ходимлар кўпаяверсин.

**Минурахон МИРЗАЕВА,**
**Олтинкўл тумани**
**Офтобачек қишлоғи.**

## Хатлар шарҳи

## ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ НОМАЛАР

**Таҳририятга ҳар куни республикамизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган муштарийлардан кўплаб мактублар келиб туради. Уларнинг аксариятида халқимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида самарали хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бундай мазмундаги хатларни ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади.**



Ўз қимматли вақтларини аямай бизга мактуб ёзган муштарийларимизга самимий миннатдорчилик билдирган ҳолда, улар битган хатларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. «Катта лейтенант Ҳулкар Нарзуллаеванинг отаси ички ишлар ходими эди. Раҳматли эрта оламдан ўтди. Ҳулкар падари бузруквори каби ўз бурчини аъло даражада бажаришга сўз берган. У хизмат вазифасига масъулият билан ёндашаётгани учун ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Шу боис унга ишонч билдирилиб, Янгиқўрғон тумани ИИБ ВЕОҲООГ инспектори лавозимига тайинланди», – деб ёзади Наманган вилоятидан Шуҳрат Маткаримов. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲООБ катта инспектори, подполковник М. Равшанов, Навоий вилоятидан Сулаймон Шодиевлар ички ишлар ходимлари томонидан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритишса, Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ катта инспектори, капитан Зулайҳо Қаландарова вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашган. Сурхондарё вилояти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, подполковник К. Шарипов тизимда фуқароларнинг ҳар бир мурожаати қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилаётгани, айниқса, «Ишонч телефонлари» муҳим аҳамият касб этаётганини ёзиб юборган. Наманган вилоятидан Х. Икрамов, Қашқадарё вилояти ИИБ ИХҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, майор Чори Кўчаровлар ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишган.

Қўлимиздаги навбатдаги хатлар туркумида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз ифодасини топган. Хоразм вилоятидан Алишер Сапаев йўллаган мактубда касб фидойилари, Боғот тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, лейтенант Асқар Худойшукуров ҳамда профилактика инспектори, майор Аҳмаджон Раҳимовлар одам савдоси билан шуғулланиб, текин бойлик орттириш пайида бўлган шахсларнинг қилмишини қай тариқа фош этишгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Гиёҳвандлик дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. У инсон саломатлигига катта зарар етказиши билан бирга, турли жиноятлар содир этилишига ҳам олиб келади. Орамизда шундай нопок кимсалар борки, ҳалол меҳнат қилиб, пул топишдан кўра, ана шундай қабиҳ ишга қўл уради. «Ички ишлар ходимлари бундай иллатнинг илдизига болта уриш мақсадида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш кўришаётгани яхши самара бераяпти», деб ёзади Андижон вилояти ИИБ матбуот хизмати ходими Муқаддасхон Бадалова. Когон шаҳар ИИБ терговчиси Замон Ҳафизов, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан Мирзо Аҳад, журналист Муҳайё Назаровалар ҳам шу ҳақда мулоҳаза юритишган.

Таҳририятга республика ИИВ ЖИЭББ тизимидаги муассасалар ходимларидан ҳам талайгина номалар келаяпти. Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасаси тарбиявий бўлим бошлиғи, капитан Р. Мухторов муассасада маданият клуби очилганлиги ҳақида хабар йўллаган бўлса, У. Ризаев олиб борилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари тўғрисида ёзиб юборган. Катта сержант Абдуҳошим Зиёдинов эса Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБдаги эътиборга лойиқ ишларга тўхталган. Шу вилоятдаги бир гуруҳ фахрийлар ўзларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган муассаса бошлиғи, полковник Эркин Ҳамроевга миннатдорчилик изҳор этишган.

Маълумки, ёнғин халқ хўжалиги ва инсонлар ҳаётига катта зарар келтиради. У бир неча дақиқа ичида йиллар давомида пешона тери билан топилган мулкни кулга айлантириши мумкин. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун ва бошқа газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади, энг аянчлиси, кишилар жароҳат олади ёки ҳаётдан бевақт кўз юмади. Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан А. Иргашев, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҲЁХО ходимлари, капитанлар Ш. Ботиров, Ш. Шоназаров ва бошқалар жойларда рўй бераётган ёнғинлар, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда қишга тайёргарлик тўғрисида мулоҳаза юритишган.

Шунингдек, Навоий вилоятидан Марат Ишбеков, Хоразм вилоятидан истеъфодаги майор Иброҳим Юсупов, Қашқадарё вилоятидан Муҳсин Дўстов, меҳнат фахрийси Н. Алиева, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими, капитан Хуршид Алибоев ва бошқалардан ҳам турли мазмундаги хат-хабарлар олдик. Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, айрим муштарийларимизнинг мақоласида аниқ маълумотлар келтирилмайди ёки фактлар етарли эмас. У умумий гаплардангина иборат бўлиб қолгани учун ёзилаётган мавзу талаб даражасида очиб берилмаяпти. Келгусида мана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда бизга ички ишлар ходимларини фаолликка ундовчи пишиқ-пухта материаллар йўллайсиз, деган умиддамиз.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

## Акс садо

**«Постда» газетасининг шу йил, 7 ноябрь сонида чоп этилган «Экология ва биз» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўз мулоҳазаларимни билдиришга жазм қилдим. Чунки унда кўтарилган масала жуда долзарб ва ҳеч бир кишини эътиборсиз қолдирмайди. Муаллиф, она табиатимизни асраш ва экология мусаффолигини таъминлаш нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири эканлигини далил ва рақамлар асосида кўрсатиб берган.**

## ТАБИАТНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

Ўтган эллик йиллик меҳнат фаолиятим, ҳаётий тажриба ва кузатувларимдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, табиатни борича асраш ва мусаффоликни сақлаш учун, аввало, ўзимизни шунга тоблашимиз, асосий эътиборни маҳалламиз, овулимиз ободончилиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратишмиз керак. Табиат шундай мўътабарки, ақл-идрок билан иш кўрилмаса, кўзланган мақсаднинг акси бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, шўролар даврида янги ерларни ўзлаштириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида Амударёдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш оқибатида келиб чиққан минтақамиздаги оғир иқлим шароити фикримнинг ёрқин тасдиғидир.

«Нукус – Бухоро» автомобиль йўлидан ўтсангиз, йўлларни тўсиб қолган қум кўчкиларига бот-бот кўзингиз тушади. Уйларини иситиш илинжида одамларнинг Қизилқумга қилаётган ҳужуми оқибатида нафақат умрини ўтаб бўлган, балки ёш саксовуллар ҳам нобуд бўлмоқда. Айниқса, йўл ёқаларидаги қум кўчкиларига муносиб тўсиқ бўлиб хизмат қилаётган табиатнинг бу ноёб ўсимликларига нисбатан инсонларнинг нотўғри муносабати ҳаракат хавфсизлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Шунингдек, куз фаслида шох-шабба ва хазонларни ёқиб юбораётган ҳам, унинг жабрини кўраётган ҳам айнан ўзимиздир. Энг ачинарлиси, буни тан олгимиз келмайди ва мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилмаймиз. Аслида эса ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Кўриниб турибдики, бу борадаги баҳс-мунозаралар, ўртага ташланаётган фикр-мулоҳазалар ҳеч қачон эскирмайди, аксинча, табиатни асраш ва экологияни яхшилаш борасидаги ғояларни мазмунан бойитади.

**Рўзимбой ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Тўрткўл тумани**
**«Ўзбекистон» овул-фуқаролар йиғини.**

Маърифат дарси

# АБУ АЛИ ИБН СИНО – ТИББИЁТ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ



**Кишилик тараққиётида ўзининг ақлу заковати, илм салоҳияти билан жаҳон аҳлини лол қолдирган буюк инсонлар қаторида бизнинг ҳам кўплаб аждодларимиз борлигидан фахрланамиз. Жаҳон илму фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Абу Али ибн Сино улар орасида алоҳида ўрин тутади. Унинг тиббиёт фани йўлидаги беқиёс хизматлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилади. Шифокорлар беҳад қадрлайдилар.**

Асл исм шарифи Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али бўлган Европада Авиценна бу табаррук зот тиббиётдан ташқари фалсафа, табиий фанлар, жумладан минералогия, кимё, ботаника, астрономия, математика, шунингдек, шеърият ва мусиқа соҳасида ҳам самарали изланиб, кўплаб китоблар ёзган. Шарқ алломаларига хос бўлган бир неча фан билан шуғулланиш салоҳияти Абу Али ибн Синода ҳам мужассамлиги боис жаҳон илм аҳли томонидан у қомусий олим сифатида тан олинган.

Замондошлари Ибн Синони «Шайх ур-раис» («Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»), «Шараф ул-мулк» («Ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «Ҳаким-ал-вазир» («Донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар. Ана шу номларнинг ўзи ҳам улуғ бобомизнинг илму фан соҳасида беқиёс хизмат кўрсатганидан дарак беради.

Манбаларда ёзилишича, Ибн Синолар оиласи Афшона қишлоғидан Бухоро шаҳрига кўчиб келганида у беш ёшда бўлган. Мадрасада таълим олган зукко, зеҳни ўткир Ҳусайн, яъни Ибн Сино ўн ёшида Қуръони Карим ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Устози Абу Нотамийдан мантиқ, ҳандаса ва фалакиёт илмларини ўрганади. Мадраса ёшидаги ўсмирнинг бундай мураккаб фанларни тезда ўзлаштириши ва мустақил фикр юритиш қобилияти устозини ҳайратга соларди. Шунинг учун ҳам бу шогирдига алоҳида эътиборли бўлади.

Ёш Ҳусайнда тиббиёт илмини ўрганишга ўзгача иштиёқ уйғонади. Буни сезган отаси уни Бухоронинг машҳур табиби Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийга шогирдликка беради. Ибн Сино табобат илмининг кўп сирларини ана шу устозидан ўрганади. Ҳали балоғатга етмаган йигитчанинг Бухородаги машҳур табиблар қаторидан ўрин олиши унинг тиб илмига бўлган қизиқиши ва иштиёқи нақадар зўрлигидан ва айни пайтда нодир истеъдодидан далолат берарди.

Бухоро ҳукмдори Нуҳ ибн Мансурнинг касалини сарой табиблари даволашга ожиз қолади. Шунда ёш табиб ибн Синони саройга таклиф қиладилар. Унинг муолажаларидан шифо топган ҳукмдор, эвазига иқтидорли табибнинг сарой кутубхонасидан фойдаланишига рухсат беради. Ўз даврида Шарқнинг энг бой кутубхоналаридан бирига кириб, ундаги китобларни ўқиш Ибн Сино учун илму фан боғидан баҳраманд бўлиш эди. Кутубхонада Шарқнинг кўзга кўринган олимлари томонидан ёзилган, Ғарбдан келтирилган ноёб китоблар сақланарди. Ёш Ҳусайн бундай қулай имкониятдан унумли фойдаланиб, кеча-кундуз тинмай китобларни ўқиб, ўрганади. Ўзи ҳам турли фанларга оид кўплаб рисолалар ёзади. Бу пайтда у эндигина ўн етти ёшга тўлган эди.

Тож-тахт учун курашлар туфайли нотинч бўлган Бухорони тарк этишга мажбур бўлган Ибн Сино Хоразмга боради. Бу даврда Хоразм ҳукмдори Маъмун илму фан намояндалари, олимларга катта эътибор бериб, уларнинг илмий изланишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берганди. Ибн Сино ўз даврининг машҳур олимлари билан ана шу ерда учрашади. Маъмун Академияси номини олган илм-фан алломалари тўпланган жойда ижод қила бошлайди. Аммо бу имконият ҳам кўпга бормайди. Уни Ғазна шаҳрига таклиф этадилар. Ибн Сино рози бўлмай яширинча Маъмун саройини тарк этади ва умрининг охиригача Ватанидан узоқда яшайди.

Қаерга бормасин, аллақачон буюк табиб номини олгани боис унга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Улуғ олим ўзининг «Тиб қонунлари» китобини Журжон амирлигида ёза бошлайди. Бу ерда Абу Убайд Жузжоний билан учрашади ва умрининг охиригача у билан бирга бўлади. Улуғ олим бу ерда ҳам илму фан билан шуғулланишни давом эттиради. Машҳур «Тиб қонунлари»ни давом эттиради. У Рай ҳокими Маждуддавлани савдойи касалидан фориғ этади. Гарчи ҳокимнинг саройида унга кўп ҳурмат эътибор кўрсатилсада, олим учун тинч ва осойишта жой зарур эди. Шунинг учун бу юрт нотинчлиги боис кўп жиҳатдан қудратли Ҳамадонга боради.

Ўша даврда Ҳамадон ҳукмдори Шамсуддавла санчиқ касалига мубтало бўлган эди. Улуғ табиб шифосидан баҳраманд бўлган ҳукмдор аввал уни сарой табиби, кейин вазир мансабига кўтаради.

Улуғ қомусий олимни мансаб қизиқтирмасди, албатта. Ҳукмдорларнинг қаҳрига учрамаслик учун улар таклиф этган вазифага кўнмай иложи йўқ эди. Олимнинг бутун фикри илму фан йўлида изланиш, кўпдан бери инсонларни қийнаб келаётган касалликларга даво топиш, шифо излаб келганларнинг дардига малҳам бўлиш эди. Ибн Сино ўзини тиббиёт илмининг султони дея эътироф этилишига сабаб бўлган, ҳанузгача жаҳон тиббиётида қўлланма сифатида эътироф этилаётган «Тиб қонунлари» асарининг қолган қисмларини Ҳамадонда ёзиб тугаллайди.

Абу Али ибн Сино ўз давридаги мавжуд фанларнинг деярли барчаси билан шуғулланиб, кўплаб асарлар ёзди. У қайси бир илм билан шуғулланмасин, ўзидан аввал ўтган олимларнинг асарларига мурожаат этди, уларни ўрганиб ривожлантирди, янги-янги қирраларини кашф этди. Қомусий олимнинг умри давомида 450 дан ортиқ илмий асарлар ёзгани манбаларда қайд этилади. Бизгача эса 240 дан ортиғи етиб келган. Унинг тиббиёт ва фалсафага оид китоблари жаҳоннинг кўплаб тилларига бир неча мартадан таржима қилинган. Аммо ўрганилиши, таржима қилинишини кутиб ётган китоблари ҳам талайгина.

Ибн Синонинг табобат илмидан баҳраманд бўлганлар қаторида биринчи галда европаликларни тилга олиш мумкин. Ибн Синони европаликлар Авиценна номи билан XII–XIII асрлардаёқ билишган. Унинг асарларини таржима қилишган. Жаҳон халқларини қўрқувга солган хавфли касалликларни даволашда олимнинг асарлари улар учун энг асосий қўлланма бўлган. Европа тиббиётчилари ўша даврдаёқ Ибн Синони улуғ ҳаким сифатида тан олишган.

Жаҳон олимлари Ибн Сино илмий меросини шартли равишда тўрт қисмга фалафий, табиий, адабий ва тиббий қисмларга бўладилар. Гарчи олимнинг номини машҳур қилган унинг буюк табиблиги ва «Тиб қонунлари» асари бўлса-да, ўз даврида ҳақли равишда «Шайх-ур-раис» номи берилгани улуғ файласуф бўлганлигини ҳам ифодалайди.

Абу Али ибн Синонинг табобат тараққиётидан буюк хизмати шундаки, у ўз давригача бўлган тиб илмига оид асарларни тўплаб, саралаб, тартибга солади. Ҳар бирини чуқур ўрганиб, ўз тажрибалари билан бойитиб умумлаштиради. Ибн Синони даҳо табиб сифатида танитган хизмати шундаки, у инсон гавдаси тузилишини мукаммал ўрганиб, билганидадир.

Жаҳон табобатида биринчи бўлиб Ибн Сино ўлат ва вабо сингари даҳшатли касалликларни фарқлаганини олимлар эътироф этадилар. Олим юқумли касалликлар билан оғриган беморларни алоҳида хоналарга ётқизиш ва даволаш лозимлигини илмий исботлаб берган.

Улуғ табибнинг тиббиётдаги буюк хизматларидан яна бири доришунослик соҳасидаги чуқур тадқиқотларидир. У асосан табиатда мавжуд ўсимликлар, мева ва сабзавотлардан, шунингдек, ҳайвонлар гўшти, сути, заҳаридан дори тайёрлаб, беморларга тавсия этган. Олим тавсияси билан тайёрлаган дориларнинг кўпчилик қисми ҳозирги замон фармокологиясидан ўрин олганини айтиб ўтиш жоиз. Халқ ривоятларида нақл қилинишича, Ибн Сино гиёҳларга назар солганда, улар мен фалон касалга давоман дея шивирлаб турарқан. Буни гарчи муболағага йўйсак-да, улуғ табибнинг ҳар бир касалликни даволаш учун тинмай изланганини, гиёҳлардан фойдаланиш, уларнинг таъсирини билиш йўлида қанчалаб машаққатлар чекканини эътироф этмай бўлмайди. Жаҳон тиббиётининг қомуси дея тан олинган «Тиб қонунлари»ни ёзиш учун қанчалар билим ва куч-қувват сарфлаганини айтиш учун катта-катта китоблар ёзса арзийди.

Ибн Сино қолдирган бебаҳо мерос жаҳон табобатчилари учун ноёб қўлланма, халқ таъбири билан айтганда, бамисоли йўлчи юлдуздир. Улуғ табиб қўллаган усулларни Европа олимлари ўзлаштириб, ривожлантирдилар. Ибн Сино асарлари Европадан бошқа қитъаларга ҳам ёйилди. Авиценна номи ҳамон жаҳон тиббиётида тан олинган олимларнинг энг олдинги сафида турибди.

Абу Али ибн Сино инсонлар ҳаётида учрайдиган деярли барча касалликларга шифо топган, уларни даволаш усулларини билган ва ёзиб қолдирган. Замондошларидан қолган манбаларда буюк табиб қайси бир беморни даволамасин, албатта муолажасини ёзиб борган дейилган. Яъни ҳозиргидек касаллик тарихини қайд этган. Аллома бобомиз ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча камдек туюлаверади. Ана шундай буюк инсоннинг авлоди эканимиздан фахрланиш, унинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, қунт билан ўрганиш бурчимиз, албатта.

Улуғ кишилар ҳақида халқ турли афсоналар тўқийди. Буюк зотларни янада улуғлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун бўлса керак, Ибн Сино ҳатто ўлимга ҳам даво топган деган афсона асрлар давомида оғиздан оғизга кўчиб юрибди. Бироқ «Шайх ур-раис» номи билан улуғланган файласуф аллома ўз қайдномаларидан биридан шундай деган:

***Қаро ер қаъридан то авжи зуҳал,***
***Коинот сирларин барин қилдим ҳал.***
***Барча тугунларни англадим, ечдим,***
***Ечилмай қолгани биргина ажал.***

Абу Али ибн Синонинг номи абадиятга дахлдор десак, муболаға бўлмас. Чунки эзгу ишлар ўлмайди, давом этаверади.

**Садриддин АБДУЛЛАЕВ.**

Баркамол авлод-юрт келажаги

# ЕТУКЛИК СИНОВИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Агар биз Ватанга садоқатли, маънавий олами юксак, дунёқараши кенг, фикри теран, меҳр-оқибатли, турли ёт ғояларга ва ташқи таъсирларга берилмайдиган қатъиятли ёшларга таянсак, албатта, бундан кейин ҳам ҳар қандай мураккаб ва оғир синовларни енгиб ўта оламиз. Кимда-ким илмни ва касб-ҳунарни мукаммал эгаллаб етук мутахассис бўлишнинг ўзи етарли, деб ўйласа адашади. Чунки биз бугунги мураккаб дунёнинг таркибий қисмимиз. «Айниқса, – деб алоҳида таъкидлаб ўтди давлатимиз раҳбари тантанали маросимдаги маърузасида, – ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир». Демак, баркамоллик ўз ишининг устаси, истеъдод эгаси бўлиш билан бирга Ватанига ва халқига содиқ яхши инсон бўлишни ҳам тақозо этади.



Бугун Ўзбекистон нафақат ёшлар тарбиясида, балки иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида қандай ютуқларга эришмасин, бунда юртимизда сақланиб турган тинчлик-осойишталик ва барқарорлик бош омил бўлмоқда. Президентимиз ўз маърузасида фарзанд тарбияси ҳақида гапириб «Қуш ўз уясида кўрганини қилади» деган мақолни келтириб ўтдилар. Биз юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни эслаганимизда эса «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади» деган нақл ёдга тушади. Бу инсоният тарихида синовдан ўтган ҳақиқат. Ҳаётимиздан барака кўтарилмай, аксинча, халқимиз тўкин-сочинликдан баҳраманд бўлаётган экан, тинчлик-осойишталик учун минг бора шукроналар айтамиз. Бунда, шак-шубҳасиз, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Уларнинг аксарияти бугунги баркамол авлоднинг вакиллари. Келгуси йилда улар зиммасидаги масъулият яна ҳам ошади. Гап фақат қандайдир жанжаллар, бебошликлар ёки безориликларнинг олдини олиш ҳақидагина бораётгани йўқ. Тартиб-интизом ва ахлоқ-одоб билан боғлиқ тарбиявий ишларнинг қамрови кенг. Осойишталик посбонлари уларнинг ҳеч биридан четда қолмайди. Президентнинг маърузасида ана шундай вазифалардан бирига жиддий эътибор қаратиларкан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркорлиги қатъий таъкидлаб ўтилди. Сўзсиз, бу йўналишда ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам аниқ вазифалар юкланади.



Албатта, юртимизни ҳар қандай иллатлардан холи қилсак, кўзлаган мақсадимизга эришишимиз осон бўлади. Айниқса, ҳаётимизга ёт бўлган ташқи иллатлар хуружидан доим огоҳ бўлишимиз зарур. Улар турли йўллар билан таҳдид қилиши мумкин. Давлатимиз раҳбари «оммавий маданият»ни эслатиб ўтдилар. Шунингдек, «эркинлик», «демократия», «замонавийлик», «дунёвий ҳаёт» каби ниқоблар остида ҳам таҳдидлар мавжуд. Шундай ёвуз кучлар ҳам борки, диний эътиқодни озод ва демократик ҳаётга, эътиқодли инсонларни бошқаларга қарши қўйишади. Ёки беҳаёлик ва бебошликни эркинлик деб тарғиб қилишади. Мен журналист сифатида четдан бўлаётган ахборот хуружларини энг хавфли таҳдидлардан бири деб ҳисоблайман.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ўша куни тантанали маросимдаги байрам концерти ҳақиқий ўзбекона миллий руҳда ўтди. Ажойиб мусиқий оҳангларга аксарият маросим қатнашчилари жўр бўлишиб қўшиқ айтишди ва рақсга тушишди. Бутун зал жонланиб кетди. Албатта, бундай ҳолат турли ниқоблар остида бизни камситмоқчи бўлганларга ёқмайди. Шундай, бировга тамға босишни касб қилиб олганлар ҳар нарсадан бир «айб» топиб хуруж қилиб туришмаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Бугунги баркамол авлод ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ана шундай ҳолатларни тўғри англаб етиб, ўз Ватани, халқи, миллий ва маънавий қадриятларидан, кўзлаган мақсад ва интилишларидан келиб чиқиб идрок этиши керак. Хориж радиосини эшитганимизда, чет элга чиққанимизда, ахборот хуружларига дуч келганимизда, турли ниқоблар остидаги таҳдид ва даъволар устида мулоҳаза юритганимиз, бизнинг нафақат турмуш тарзимиз ва ҳаётимиз, балки ҳар бир қадамимиз ва хатти-ҳаракатимиз юзасидан «ҳукм чиқариш» ҳолатларидан воқиф бўлганимизда қандай йўл тутиш ва қандай хулоса чиқариш аввало ўзимизга, ҳар биримизнинг баркамоллик, яъни етуклик даражамизга боғлиқ.



Айниқса, ёшларнинг бу борадаги тарбиясини тобора такомиллаштириб бориш зарур. Бунда ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, ўқув юртлари, тарбия масканлари, турли муассаса ва ташкилотлар қатори ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Ақл-идрок билан фикрлайдиган баркамол авлодни вояга етказиш бутун жамиятнинг вазифасидир.

Юқорида айтганимиздек, биз келгуси йилда олдимизда турган улуғвор вазифаларнинг фақат бир қисмигагина тўхталиб ўтдик. Бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ишлаб чиқаришни юксалтириш ва халқнинг фаровонлигини ошириш, илм-фанини ривожлантириш, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлашда катта режаларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида бошлаган улкан ишларни давом эттириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка яна ҳам кенг йўл очиш, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига эътиборни кучайтириш, интеллектуал бойлик учун қулай имкониятлар яратиш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш каби долзарб вазифаларнинг асосий йўналишлари, сўзсиз, энди ишлаб чиқиладиган давлат дастурида ўз ифодасини топади. Уларни амалга оширишга ҳисса қўшишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Халқимиз ҳар доим Янги йилга яхши ният билан қадам қўяди. Яхши ният–ярим давлат. Бунда фақат моддий бойликни тушунмаслик керак. Юксак маънавият ҳам, соғлом ва баркамол авлод тарбияси ҳам, бошқа имкониятлар ҳам биз учун бебаҳо бойлик. Бу бойликлар бизнинг салоҳиятимизни кўрсатиб турибди. Юртбошимиз ўз маърузасида фахр ва ғурур билан жўшиб айтганидек, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, иншоолло.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Эътироф

# ЭЛ ЭЪЗОЗИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

**Соҳада узоқ йиллардан буён ишлаётган ҳамкасбларим яхши билишади, саломатлик посбони, деган шарафли номни оқлаш учун киши бу касбнинг ўзига хос жиҳатларини мукаммал эгаллаб олиши лозим. Бунинг учун кўп изланиши, тажрибасини бойитиб бориши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, ўз касби, бажараётган ишининг ҳақиқий билимдонига айланиши зарур. Ана шундагина эл орасида обрў-эътибор топади, мартабаси ошиб боради.**

Кўнглимдан шу фикрлар ўтганда беихтиёр таниқли поляк шифокори Беганскийнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушади: «Инсоний муҳтожликка бефарқ қарайдиган, юмшоқ муомала қилишни билмайдиган, ҳамма жойда ва ҳамиша ўзини тута билиш учун ирода кучи етмайдиган киши бошқа касбни танлагани маъқул. Чунки у ҳеч қачон яхши тиббиёт ходими бўла олмайди». Менимча, жуда тўғри айтилган фикр. Зеро ана шундай сифатларга эга тиббиёт ходимигина зиммасидаги вазифаларни кўнгилдагидек уддалайди. У қандай бўлмасин, бор билими, маҳоратини ишга солиб беморни даволаши, унинг ҳаётини сақлаб қолиши лозим. Саломатлик посбонлари тиббий ахлоқининг шаклланишига Буқрот қасамёди жуда катта таъсир кўрсатди. Шу боис ҳозирда тиббиёт ўқув юртларини битириб чиққан ўқувчилар ҳам қасамёд қабул қилишаяпти. Унга Буқротнинг ахлоқий насиҳатлари асос қилиб олинган.

Шифокорлик ҳозирда энг кўп тарқалган, ҳаёт учун зарур бўлган касблардан бири ҳисобланади. Табобат тарихига назар ташласак, ўрта асрлардаёқ бу илм Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда куртак ёзганини кўрамиз. Ўша даврда Абу Ҳанифа ал-Динаворий, Абу Мансур Сомоний, Али ибн Умар Нажибуддин Самарқандий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино каби машҳур табиб ва ҳакимлар ўз асарлари ҳамда амалий ишлари билан Шарқ табобати ривожига муносиб ҳисса қўшишган. Манбаларда ёзилишича, бизнинг ўлкамиздаги биринчи ҳарбий шифохона 1918 йили Тошкентда очилган. Орадан вақт ўтиши билан Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарларида ҳам касалхоналар иш бошлаган. Соғлиқни сақлаш бўйича марказий ва маҳаллий идоралар ҳамда муассасалар барпо этилган. Фармацевтика, сил касаллиги, қон қуйиш илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалар ташкил этилган.

Мустақиллик шарофати билан тиббиёт соҳасида кўплаб ўзгаришлар қилинди, Ўзбекистонда халқаро аҳамиятга молик кенгашлар, илмий анжуманлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўчма йиғилишларини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Ана шу ўзгаришлар силсиласида Республика Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника асосини мустаҳкамлаш, уларни талаб даражасида жиҳозлаш, замонавий тиббий ва диагностик ускуналар билан таъминлаш, шифокорлар малакасини ошириш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Бундай кенг кўламли ишлар бизнинг стоматологик поликлиникада ҳам амалга оширилаяпти.

Шифокорлик эл ардоғидаги касб. Зеро, кишининг соғлиғи яхши бўлмаса бахт тўлиқ бўлмайди. Айниқса, бизнинг соҳада юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун туну кун оромидан кечаётган, керак пайтда жиноятчи билан юзма-юз бўлиб, жонини фидо қилаётган ички ишлар ходимларини даволаётганимиз ҳам масъулиятли, ҳам шарафлидир. Бу борада устозларнинг йўл-йўриқларига амал қилаётганим учун кўзлаган мақсадимга эришаяпман, деб ўйлайман. Биринчи маслаҳатгўйим онажоним, ИИВ Марказий поликлиникаси асаб касалликлари бўлими бошлиғи, Жонон опа Ҳакимова бўладилар. Касбга меҳр қўйишимда у кишининг кўп меҳнатлари сингган. Мураббийим, ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник Саъдулла Мухамедов поликлиникамизга раҳбарлик қилганларида у кишидан ташкилий ишларни ўрганганман. Стоматологик касалликлар профилактикаси бўлинмасида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган шифокор-стоматолог Малика Раҳимова билан доимо ҳамфикрмиз.

Барчалари соғ-саломат бўлиб, уларга ҳамиша эл эъзозига сазовор бўлиш бахти насиб этсин!

**Барно ПЎЛАТОВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди,**
**подполковник.**

## Бир кам дунё

**Қайнсинглисининг йиғламокдан бери бўлиб келаётганини кўрган Нурхон ғалати бўлиб кетди. Ҳалитдан бери қуда тарафнинг бойлиги, куёв бўлмишнинг турфа сифатларини мақтаб, жағи тинмаётган йигитнинг янгасига бир қаради-ю совуққина хайр-хўш қилиб, Ойжамолнинг ортидан югурди. Йигитнинг янгаси ҳам ниманидир сезгандек, ноилож қолганидан бир қиз томонга, бир қайнукаси томонга нигоҳ ташлаб жойидан қўзғалди.**

– Ойжамол, нима бўлди? Тинчликми? Нима, йигит қўполлик қилдими? Қаттиқ гапирдими? – дея қизни ҳарчанд саволларга кўммасин, у унсиз йиғлаганча янгасига ҳам қарамай кетиб борарди. Ахийри Нурхон унинг йўлини тўсиб:

– Гапирсангиз-чи, нима бўлди? Ёмон гапирган бўлса, бориб адабини берай! – дегандан сўнггина тўхтаб янгасининг кўзига қараркан, кўз ёшларини ичига ютганча, базўр жилмайди :

– Ҳеч нарса бўлмади. Юринг уйга кетамиз, – деди овози титраб.

Қайнсинглиси мана шунақа – ўта андишали, сермулоҳаза. Ҳамма нарсани гап деб гапиравермайди. Шунча йилдан бери унинг бошқаларга ўхшаб гап ташигани, бировларни ғийбат қилгани, аччиқ-тизиқ сўзлаб, кимларгадир зардалаганини Нурхон сира эслолмайди. Бажарган ишларини кўриб ҳавасинг келади. Бир уйни гуллатиб-яшнатиб, файзу барака киритадиган қайнсинглиси бор-ку, аммо бахти очилмаяпти-да. Шу йигитларни ҳам тушунмайсан. Одобли, шарм-ҳаёли, камтар, камсуқум қизларни менсишмайди. Уларнинг ташқи қиёфасига боқишадию ички дунёсига мўралаб ҳам қўйишмайди. Уларга «ярқ» этиб, «мана-ман» деб, ўзларини кўз-кўз қилувчилар кўпроқ ёқади негадир. Мана, ҳозир ҳам йигит камсуқумгина қайнсинглисини назарига илмай дилини ранжитгани аниқ. У эса ичига ютиб, индамай кетяпти. Шу топда, унинг ўрнида ўз синглиси Карима бўлганда борми? Аввало, қаттиқ гапирган йигитга боплаб жавоб қайтарган, кейин бурнини жийириб келиб янгасини изза қилган, етмаганига нафратини қайтармай уни истаган ҳайвонга ўхшатиб, хумордан чиққан бўларди. Ҳа, шунинг учун ҳам янгалари Каримадан ҳайиқиб туришади-да. Ойжамолга ўхшаб сиқилиб ҳам ўтирмасди у. Баъзан Нурхонга ўз синглисидан ҳам Ойжамолни яхши кўрадигандек туюлади. Тўғрисиям, кўримсизроқ бўлгани билан унинг жиззаки, беқарор, иззатталаб, димоғдор синглик билан қараб тургани кўз олдига келди-ю, йиғидан аранг ўзини тийди. – Бор гап шу.

– Тавба, бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Худди сезгандек, сўраб кўринглар, эҳтимол севгани бордир, деб неча марта такрорладим-а... Шундай экан нима қилишарди, бировларнинг эшигини қоқиб?! Нурхон уйга чўмди. Худди билгандек, бошидаёқ Ойжамол бу учрашувга чиқишни сира истамаганди. Уйдагилар янгасидан кўндиришни илтимос қилишган, Ойжамол янгасининг юзидан ўтолмай бу учрашувга рози бўлганди. Мана, аҳвол. Нурхон Ойжамолнинг камситилишида ўзини жуда айбдор ҳис қилди. Қайнсинглисига хурсанд бўлишди. Нурхон, қайнонаси ва Ойжамол бир тоғора норин тайёрлаб, камига икки хил сомса ҳам пиширишди. Қайнона-келин қўярда қўймай, «Сизга ҳам бахт кулсин. Ният қилиб боринг», дея ирим қилиб, Ойжамолни ҳоли-жонига қўймай, етаклаб боришди. Уйга кириб келган Нурхон қайнонасини ичкари киритаркан, аммаси билан узоқроқ сўрашиб қолди. Сўнг Ойжамол иккиси қуда томон билан танишгани киришди. Ўтирган жувонларнинг бири унинг кўзига иссиқ кўринди. Қаерда кўрган эди-я?

– Бу – қизимиз Кариманинг опаси Нурхон...– аммасининг гапи



### Кутилмаган учрашув

лиси Каримадан устун жиҳатлари жуда кўп.

– Нима бўлганини менга айтмасангиз кимга айтасиз? Уйдагилар сўраса нима деймиз? Қани айтиб беринг-чи, шунга қараб гапни бир жойга қўямиз.

Ойжамол қадамини секинлатди.

– Саломлашишимни биламан : «Менинг севган қизим бор. Ота-онам бироз кўнмай туришибди. Шунинг учун сиз йигит менга ёқмади, дейсиз. Тушундингизми?! Мен билан ҳазиллашаман, деб ўйламанг», деди. Ойжамол бу гапларни айтаркан, йигитнинг масхараомуз, заҳарханда-ҳам қийин. Қиз бола учун бундай гапни эшитиши нақадар оғир! Онасига нима дейди?! Йигитнинг севгани бор экан, мени ўсал қилгани учрашган экан, дейдими? Албатта, ёқмади дейди-да.

Нурхон уйга келгунча Ойжамолга тасалли бериб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. Унга чин дилдан ачинди. Чин дилдан бахт тилади ҳам.

Орадан вақт ўтиб, воқеа унутилди. Кунларнинг бирида Нурхоннинг онаси қўнғироқ қилиб, синглисининг унаштирув ошига таклиф этди. Бу хушхабардан уйдагилар жуда оғзида қолди.

– Э-э, сиз... қизиқ хотин экансизку-а?! Ўз синглисига душман аёлни энди кўришим. Ойдек синглингиз бор экану, бизларни чалғитиб, бошқа эшикларга сарсон қилиб юрган экансизда-а? Ипакка ипак ямоқ, бўзга-бўз дейишади, айланай. Куёв муборак бўлсин, келин билан қўша қарисин...

У яна нималардир деди. Нурхоннинг икки юзи ловуллаб, қулоқлари шанғиллар, на қайнонаси, на қайнсинглиси томонга қарай оларди...

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

## Қинғир ишнинг қийиғи

### ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ЎҒРИЛАР

Темир йўл транспорти халқ хўжалиги юкларини ташишда энг қулай восита ҳисобланади. Мамлакатимиз халқаро иқтисодий муносабатларга жадал киришганлиги туфайли ҳозирда юртимизга янги техникалар, саноат ва қурилиш ашёлари айнан темир йўл орқали кириб келмоқда.

Конимехлик Р. Раушанов, С. Қўйчиев, О. Ризоев, В. Қўйчиев ва А. Базаровлар тез-тез ўтаётган вагонларни кузатишар экан, уларга ноёб товарлар ортилганини сезиб туришарди. Фурсати келганда шундай вагонлардан бирини очиб, ичидаги молларни ўмариш орзуси кўп вақтдан буён тинчлик бермасди.

– Бу ишга болаларни ёлласак яхши бўларди, – деди улардан бири. – Чунки темир йўлда доим ўралашиб юрадиган ўсмирлардан ҳеч ким шубҳаланмайди.

Таклиф барчага маъқул тушди. Шундан сўнг ҳамтовоқлар қулай пайт келишини кута бошлашди. Ниҳоят контейнерларга Хитойдаги фирмалардан бирининг юклари ортилган вагонлар келаётганидан хабар топишди. Жиноий ишга икки нафар вояга етмаган ҳам жалб қилинди. Пухта режалаштирилган ўғирлик тез ва осон амалга оширилди. Шу куни вагондан умумий қиймати 4 миллион 271 минг 586 сўмлик 12 дона электр двигатель ўмарилди. Конимеҳдаги «Зарафшон овози» масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган бу жиҳозларни излаб топиш учун Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари ишга киришишди.

«Ов»лари ўнгидан келган жиноятчилар шу билан қаноатланмадилар. Улар сабр-тоқат билан роппа-роса бир ой кутишди. Иккинчи ўғирлик сал узоқроқда, «Конимех – 137» разъездида амалга оширилди. Бу гал ҳам вояга етмаганлар иштирок этишди. Вагонларда Украинанинг Днепропетровск шаҳридан Навоий кон-металлургия комбинатига олиб келинаётган қимматбаҳо металл қувурлардан 46 донаси ғойиб бўлди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида жиноят оз фурсат ичида фош этилди. Жиноятчилар нақ 35 миллион 776 минг 718 сўмлик қувурларни ўғирлагани маълум бўлди.

– Бу темир йўлларда жорий йил содир этилган энг катта ўғирликлардан биридир, – дейди ушбу ҳолат юзасидан тергов ишларини олиб борган Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ терговчиси, лейтенант Н. Бозоров. – Белгиланган жазо ҳам шунга яраша бўлди. В. Қўйчиев 8 йил, Р. Раушанов ва О. Ризоевлар 9 йил, С. Қўйчиев ва А. Базаровлар эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Ўғирланган мулклар эгаларига қайтарилди. Вояга етмаганлар ҳам тегишли жазо олди.

Жиноятга жазо муқаррар. Қонунбузарлар қандай қинғир ишга қўл уришмасин, албатта, қилмишларига яраша жавоб беришади.

**Р. ХУСЕНОВ,**
**майор.**

*Бухоро вилояти.*

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**

**Улфат Норович Файзиев.** 1962 йилда туғилган, Шайхонтоҳур тумани К. Ёқубов кўчаси 51-уйда яшаган. 2003 йилнинг март ойида уйидан Россия Федерациясининг Уфа шаҳрига ишлагани кетаяпман, деб чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи тахминан 165-168 см, ўртача гавдали, сочи жигарранг, оқ сариқдан келган, бурни пачоқ.

**Кийимлари:** мошранг костюм-шим, қора чарм туфлида бўлган.

* * *



**Дилсора Абдужаббор қизи Мавлянова.** 1992 йилда туғилган, Шайхонтоҳур тумани Марказ-13 26-уй, 28-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг 25 сентябрида уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи тахминан 165 см, озғиндан келган, юзи думалоқ, сочи жигарранг, қоши қора, ёйсимон, кўзи жигарранг.

**Кийимлари:** пуштиранг спорт кийими, кўк жинси шим, қора макасинада бўлган.

* * *

**Ўғилой Раҳматкуловна Усманова.** 1987 йилда туғилган. Шайхонтоҳур тумани Дучор кўчаси 25-уйда яшаган. 2008 йилнинг октябрь ойида уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи тахминан 160-165 см, ўртача гавдали, думалоқдан келган, сочи қора, узун, ёйиб юради, қоши сийрак, кўзи жигарранг.

**Алоҳида белгилари:** эркакларга ўхшаб юради, қулоғи катта, бошининг орқа ўнг томонида катта қора холи бор.

**Кийимлари:** қора водолазка, қизил кофта, қора шалвар, пуштиранг шиппакда бўлган.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан яқин ўртадаги ички ишлар идорасига ёки Шайхонтоҳур тумани ИИБга 288-32-00 ва 288-31-70 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган қуйидаги шахслар Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Эргаш Шамсиевич Бозоров.** 1982 йилда туғилган, Пахтачи тумани «Хайробод» қишлоқ фуқаролар йиғини «Можар» қишлоғида яшайди.

**Белгилари:** бўйи тахминан 170-175 см, ўртача гавдали, буғдойранг, сочи, кўзи ва қошлари қора.

* * *



**Мардан Норпўлатович Давлатов.** 1974 йилда туғилган, Пахтачи тумани «Хайробод» қишлоқ фуқаролар йиғини Можар қишлоғида яшайди.

**Белгилари:** бўйи тахминан 165-170 см, ўртача гавдали, буғдойранг, сочи, кўзи ва қошлари қора.

* * *



**Суннатулла Хайруллаевич Бахранов.** 1981 йилда туғилган, Пахтачи тумани «Хайробод» қишлоқ фуқаролар йиғини Ҳакимқул қишлоғида яшайди.

**Белгилари:** бўйи тахминан 165-170 см, ўртача гавдали, буғдойранг, сочи, кўзи ва қошлари қора.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан яқин ўртадаги ички ишлар идорасига ёки (8-366) 230-14-12 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз. Факс: 231-16-52, 403-23-97.**

**Жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган қуйидаги шахслар Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Шарофиддин Зайирович Юсупов.** 1970 йилда туғилган, Самарқанд тумани Қозиариқ маҳалласида яшайди.

**Белгилари:** бўйи 160-170 см, буғдойранг, сочи, кўзи ва қошлари қора, юзи тўладан келган.

* * *



**Абдурайим Эшонкулович Ҳақназаров.** 1962 йилда туғилган, Косон тумани. Уйрат қишлоғида яшайди.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, корачадан келган, сочи, кўзи ва қошлари қора, юзи озғин, мўйлови бор.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахслар ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан яқин ўртадаги ички ишлар идорасига ёки Самарқанд вилояти ИИБга (8-366) 230-14-12, 233-02-64 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз. Факс: 231-16-52.**

## Қилмиш–қидирмиш

### ТУЗАЛМАС «ДАРД»

Андижон шаҳрида яшовчи Абдулазиз Абдуғаффоров 29 ёшни қаршилади. Шунга қарамай у икки марта суднинг қора курсисига ўтиришга улгурди. 1999 йилда содир этган жинояти учун 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Орадан беш йил ўтиб яна ножўя ишга қўл уриб, темир панжара ортида «дам олиб» қайтди. Аммо тегишли хулоса чиқариб, бирор тайинли ишнинг этагидан тутмади, бекорчиларга қўшилиб, спиртли ичимлик ича бошлади.

Бундай турмуш тарзи эса қандай оқибатларга олиб келиши тайин. Абдулазиз ўша куни одатдагидек шаҳар бўйлаб изғиб юрарди. Дафъатан бир танишини учратиб қолган эди у ошхонага олиб кириб арoқ билан сийлади. Аммо энди ўтириш қизиганда таниши қаергадир бормоқчи эканлигини айтиб, ўрнидан туриб кетди. Ҳали ичкиликка «тўймаган» Абдулазизнинг чўнтагида бир мири ҳам йўқ эди. У нима қилишини билмай ташқарига чиқди. Навоий шоҳкўчаси бўйлаб борар экан болалар поликлиникаси олдига келиб қолди. Шунда кеч соат 21.00 лар бўлиб қолган эди. Абдулазизнинг қаршисида эгнига камзул кийган ўсмир пайдо бўлди.

– Шошма, йигитча! – уни тўхтатишга уринди Абдулазиз. – Менга уч минг сўм қарз бериб тур.

Ўсмир Абдулазиз маст эканлигини билиб, нарироқдан ўтиб кетмоқчи бўлди.

– Сенга айтаяпман, болакай, – деди Абдулазиз унинг камзулидан маҳкам ушлаб. – Бор-йўғи уч минг сўм сўраяпман. Эртага қайтараман.

–Амаки, мени ўтказиб юборинг, – ёлворди ўсмир. – Дўконга озиқ-овқат олиш учун кетаяпман.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, пул берасан вассалом, – дағаллашган Абдулазиз ўсмирнинг ёқасидан олиб, итариб юборди. Ҳакимжон ерга юзтубан йиқилди. Унинг ожизлигидан фойдаланган зўравон чўнтакларини кавлай бошлади. Шу тариқа уяли телефон ва 26 минг сўм пулни қўлга киритиб, яқин орадаги дўконга ичкилик олиш учун кетди.

Ҳакимжон йиғламсираб ўрнидан турди-да, эгни-бошини қоқди. У йўлга чиққанда Андижон шаҳар ИИБ навбатчилик қисмининг хизмат машинаси келиб қолди. Йигитча қўл кўтарган эди олдига келиб тўхтади. У ички ишлар ходимларига бўлган воқеа ҳақида гапириб берди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач гумондор ушланиб, ички ишлар идорасига олиб келинди. Унинг чўнтагидан уяли телефон ва 26 минг сўм пул чиқди.

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судининг ҳукми билан Абдулазиз Абдуғаффоров содир этган қилмиши учун 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Кўриниб турибдики, унинг ножўя ишларга қўл уриши тузалмас «дард»га айланиб бўлган. Эҳтимол шу гал темир панжара ортида ўтириб, ҳаётини ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўрса ажаб эмас.

**Б. КЛЕЙМАН.**

*Андижон вилояти.*

## Жиноятга жазо муқаррар

**Чин дўст топиш қийин. Қадрдонингман, деб кўкрак кериб, ортингдан тош отадиганлари ҳам йўқ эмас.**




Оқдарё туманида яшовчи Шуҳрат Рустамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) коллежда ўқийдиган дўсти Адҳамни кўриш учун йўлга чиқди. Унинг уйига етиб келиб анча чақирди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Кўча эшик қулфланган эди. Деразадан ичкарига мўралаб, стол устида уяли телефон турганини кўрди. Шуҳратнинг бирдан нияти ўзгарди. Атрофга олазарак қараб олгач, чаққон дераза туйнугидан ичкарига кирди. Столдаги телефон эмас, ғилофи экан. Ҳафсаласи пир бўлган Шуҳрат пул ёки қимматбаҳо буюм олиш илинжида ҳаммаёқни титкилай бошлади. Ётоқхонага кириб, диван устидаги чойшабни очди. У ерда 2700 АҚШ доллари бор эди. Уни пайпоғига тиқаётиб, токчада турган қора сумкага кўзи тушди. Сумкадаги 400 минг сўм пулни ҳам олиб, жуфтакни ростлади.

Шуҳрат ўзи таълим олаётган коллежга бориб, севиклиси Нилуфарни учратди.

– Илтимос, мана шу пуллар сенда турсин, бир оғайнимнинг омонати, – деди унга.

Шуҳрат шу куни курсдош дўстларини кафеда меҳмон қилди. Тушдан сўнг Нилуфарга қўнғироқ қилиб, ёнига келса «сюрприз» тайёрлаб қўйганини айтди. Улар учрашишганда Шуҳрат севгилисига янги уяли телефон совға қилди, бирга овқатланишди. Истироҳат боғида маза қилиб дам олишди.

Эртаси куни Шуҳрат Нилуфарни тоққа дам олишга таклиф қилди. Қиз бу сафар ҳам йигитнинг раъйига қарши бормади. Улар табиат бағрида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Шуҳрат уйига келганда дадаси костюмининг чўнтагидан бир даста пулни кўриб, уни қаердан олганини сўради. Ўғил бу пуллар ўртоғиники эканлиги, эртага унга қайтаришини айтиб, дадасини тинчлантирди. Эрталаб Шуҳрат ўқишга шошганча кетди. Дарсдан сўнг коллеж ҳовлисида ўртоқлари билан ўтирганда ички ишлар ходимлари пайдо бўлишди. Уларни кўрган Шуҳрат уни йўқлаб келишгани, ҳаммаси равшан эканлиги, энди қилмишини тан олишдан ўзга чора йўқлигини англади. Ходимлар унга рўбару келишганда қилган ишларини бир бошидан айтиб берди.

Текин пул ҳеч кимга буюрмайди. Афсуски, Шуҳрат буни кеч англади.

Ўйланмай қўйилган бир қалтис қадам туфайли «ўғри» деган ном олиб, мағрур боши ҳам бўлди.

«Ўйламай босдим тиканни, тортадурман жабрини деган» нақл бор. Шу боисдан, инсон ҳар бир ишни обдон ақл тарозида тортиб кўриб, кейин қилмоғи лозим.

**Ш. РАҲИМОВ,**
**катта лейтенант.**

*Самарқанд вилояти.*

### ТУНГИ ШАРПА

**Текин даромад топишни ўзига касб қилиб олган З. Шавкат 46 ёшни қоралаган. Унинг ҳаёт йўлига назар ташлаган киши бир неча бор суднинг қора курсисига ўтириб, қилмиши учун жазо олганига гувоҳ бўлади. Унга амнистия шарофати билан енгиллик берилса-да, яна ножўя ишларини давом эттирди.**

Шавкат шериклари Я. Воҳид ва Н. Обид билан Ғузор туманидаги Ғаримистон қишлоғида яшовчи Қаюм Дурсаатовнинг уйига борди. Деворни тешиб, молхонага кирган шарпалар бир бош сигир, бузоқ ва ҳўкизни Я. Воҳиднинг «КамАЗ–5320» русумли машинасига ортиб, жўнаб қолишди.

Ҳамтовоқлар кейин ҳам қилмишларини давом эттиришди. Бу гал Н. Обид ўрнини Т. Абдували эгаллади. Улар кеч соат 22.00 ларда Кераит қишлоғига кириб боришди. «Шариф ота» фермер хўжалиги ҳудудида яшовчи Фахриддин Ибрагимовнинг оғилхонасидан бозор баҳоси саккиз миллион уч юз эллик минг сўм бўлган саккиз бош сигир ва иккита ҳўкизни ўмариб, машинада воқеа жойидан яширинишди.

Мўмай даромад «чўғи»дан сармаст бўлган гуруҳ ўзгалар мулкига кўз олайтиришни давом эттирди. Орадан ўн бир кун ўтиб, тунги шарпалар Косон туманидаги «Суяров Тилов бобо» фермер хўжалиги даласида боғлоқлиқ турган, бозор баҳоси тўрт миллион юз минг сўмлик 3 бош сигирни Ю. Жамиланинг хонадонига ҳайдаб келишди ва машинага ортиб, ғойиб бўлишди. Бу сафар З. Шавкатга Н. Обид ва Я. Воҳид ҳамроҳлик қилди.

Жиноий тўда бу билан қаноатланмади. Орадан бир ой ўтиб, уларнинг жиғилдони яна текин луқмани қўмсаб қолди. 30 апрелга ўтар кечаси З. Шавкат Я. Воҳиднинг машинасини ўзи бошқариб, «Чироқчи» фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи Нодир Қудратовнинг хонадони олдидан унга тегишли икки бош сигирни ўғирлаб кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна Ю. Жамиланинг хонадонига тўпланган З. Шавкат ва Н. Обид ўзаро тил бириктириб, тунда Гувалак қишлоғида яшовчи Ҳусан Абдиевнинг молини нишонга олишди. Ҳовлида боғлиқ турган сигир тунги шарпалар етовида ғойиб бўлди.

Ўғриларнинг нигоҳи яна Ғузор туманидаги Кераит қишлоғига қаратилди. Бу сафар З. Шавкат бошчилигидаги тўдадан Т. Абдували, Н. Обид ва ҳар доимгидек Я. Воҳид ўрин олди. Улар «О. Тошпўлат бобо» фермер хўжалиги ҳудудида яшовчи Чори Омоновнинг оғилхонасидан бир бош сигир, уч бош ҳўкизни ўмариб, Я. Воҳиднинг машинасида жуфтакни ростлашади.

Уюшган жиноий гуруҳнинг фаолиятига осойишталик посбонлари чек қўйишди. Тунги шарпага айланиб, ўзгалар молига кўз олайтирадиган, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилмайдиган бу шахслар охир-оқибат қонун олдида жавоб берадиган бўлишди.

**Кундуз ЖЎРАЕВА,**
**Косон тумани ИИБ терговчиси,**
**катта лейтенант.**

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йил 3 ноябрь куни Денов шаҳри Ш. Рашидов кўчасида жойлашган 80-умумтаълим мактаби олдидан Осиё миллатига мансуб, ёши 45-50 лардаги эркак кишининг жасади топилган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, боши чўзиқроқ.

Кийимлари: қора рангли, ички томони қизил матодан тўқилган куртка, сариқ, енгсиз, майда гулли кўйлак, сариқ шим, кўк-оқ чизиқли кроссовка, малла рангли пайпоқда бўлган.

Шахси аниқланаётган мурда ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Денов тумани прокуратурасига хабар беришларини сўраймиз.

---

Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ва шахсий таркиби «Постда» газетасининг Хоразм вилоятидаги жамоатчи фотомухбири **Жумабой ҚОЗОҚОВнинг** зафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ёзёвон тумани ИИБ ХООБ профилактика катта инспектори, майор Р. Ҳамдамовга отаси **Ҳасанбой ҲАМДАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Андижон темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғи, подполковник К. Рахмановга падари бузруквори **МАМИРЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ТИВ бошлиғининг ўринбосари, полковник **Ҳасанбой ҲУСИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма тиббиёт бўлими бош ҳисобчиси, майор А. Рустамовга онаси **Шарофатхон ҚУРБОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма тиббиёт бўлими шифокори **Нўъмонжон ТЕШАБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник А. Афзалиевга отаси, истеъфодаги полковник **Амон АФЗАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони раҳбарияти ва шахсий таркиби батальон 5-отряд, 2-гуруҳ милиционери, катта сержант Ғ. Мансурбоевга отаси **Мухсин МАНСУРБОЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қўл жанги

# КУЧЛИЛАР ДОИМ ҒОЛИБ

## (Репортаж)

**Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани сабабли жаҳон миқёсидаги спорт усталари етишиб чиқмоқда. Бу борада Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, ички ишлар идоралари ходимларини спорт турларига жалб этган ҳолда уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини юксалтириб бориш доимий эътиборда. Куни кеча Гулистон шаҳрида қўл жанги бўйича Республика Ички ишлар вазирлиги биринчилиги ўтказилгани фикримизнинг далилидир.**

Вилоят ИИБ «Динамо» спорт мажмуасида ушбу мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Байрамона безатилган мажмуада ИИВ Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, Транспорт ИИБ, ИИВ олий таълим муассасалари, ИИВ Қоровул қўшинлари ва ЖИЭББ терма жамоалари вакиллари саф тортдилар.

Вилоят ҳокими Ойбек Аширматов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, кейинги йилларда вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати ва фидойилиги туфайли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камайиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, подполковник Абдурасул Сулаймонов ўтказилаётган беллашувнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан сўнг вилоятдаги спорт мактаблари ўқувчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Ватан, тинчлик ва фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Фурсатдан фойдаланиб, мусобақа иштирокчиларидан айримларини суҳбатга тордик.

– Қўл жанги билан шуғулланаётганимга кўп вақт бўлгани йўқ, – деди Сурхондарё вилояти Бандихон тумани ИИБ ЖТСГ милиционер-ҳайдовчиси, сафдор Лочинбек Луков. – Ички ишлар идораларида хизматни бошлагач спортнинг шу турига жуда қизиқиб қолдим. Ўтган йилги биринчиликда тўртинчи ўринни эгаллаган эдим. Бу сафар ҳам яхши натижага эришиш ниятидаман.

– Мазкур спорт турнири мен учун янгилик эмас, – деди Наманган темир йўл бекати тармоқ ИИБ ВЕОҲООГ инспектори, капитан Сайдулло Акбаров. Ҳар гал спортчилар билан беллашиб, ўз тажрибамни ошириб кетаяпман.

– Мен бундай нуфузли мусобақада биринчи марта иштирок этяпман, – деди Сирдарё вилояти ИИБ терма жамоаси аъзоси, сержант Ойбек Рашидов. – Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш учун бор имкониятимни ишга соламан.

Кўриб турибсизки, шашти баланд, шиддат билан жангга киришиб, рақибини енгишга тайёр турган бу йигитлар орасида нуфузли мусобақада кўп маротаба иштирок этганлар ҳам, илк бор қатнашаётганлар ҳам бор. Аммо барчанинг нияти битта. У ҳам бўлса беллашувларда ғолиб чиқиб, ўзи меҳнат қилаётган жамоага ёруғ юз билан қайтишдир.



Мусобақа бошланиб, 21 жамоа сафида 121 нафар спортчи баҳсга киришди. Саралаш босқичининг 65 кг. вазн тоифасида Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционери, сафдор Азиз Нуриддинов ва Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили, лейтенант Камол Зокировлар жанг олиб боришди.



Муросасиз кечган беллашувда омад К. Зокировга кулиб боқди. Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционери, сафдор Юсуф Ирисов эса Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти учинчи босқич курсанти Талъат Ғуломов устидан ғалаба қозонди.

Навбатдаги, 85 кг. вазн тоифасида Сирдарё вилояти ИИБ сафарбарлик отряди бошлиғи ўринбосари, лейтенант Аъзам Ортиқбоев ва Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Жалил Ниёзовлар ўзаро куч синашишди. Беллашувга пухта тайёргарлик кўрган А. Ортиқбоев рақибини доғда қолдирди.

Бошқа саралаш баҳслари ҳам қизиқарли кечди. Мусобақа давомида барча вазн тоифалардаги кучли спортчилар аниқланди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгусида ҳафта учун*

**ҚЎЙ.**

Ҳафтанинг биринчи ярмида билим олишга интилиш сезилади. Ҳамма гапга ишонавермасдан, етти ўлчаб бир кесишга ҳаракат қилинг. Янги режалар тузишга қулай пайт келаяпти. Кутилмаган учрашувга тайёр туринг. Бўйдоқлар учун келгусида бир умрлик ҳаётий йўлдош топилиши мумкин. Танимаган, синамаган кишингиздан эҳтиёт бўлинг.

**СИГИР.**

Қатъий қарорга келиш вақти етди. Таваккал ишларга қўл уришни маслаҳат бермаймиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўчмас мулк, мерос, кредит ва уй-жой сотиб олиш билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал бўлиши кутиляпти. Яқинлар, қариндошлар билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қилинг. Меҳмонга бориш ёки меҳмон таклиф этиш энг мақбул иш бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР.**

Ҳафтанинг биринчи ярмида мақсад, режани ўзгартириш истаги бўлса, умр йўлдошингиз билан маслаҳатлашганингиз маъқул. Ҳар қандай шароитда ҳам худбинлик қилмай, бошқалар манфаатига ҳам хизмат қиладиган қарор чиқариш лозим бўлади. Ана шунда атрофдагилар орасида мавқеингиз мустаҳкамланади, сизга бўлган ишонч ортади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**

Режадаги ишларни ижобий ҳал этиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай бўлади. Бироқ улар орасидан муҳимларини саралаб олган маъқул. Ўз билим ва тажрибангизга таяниб иш кўришни маслаҳат берамиз. Саломатлигингиз ҳақида қайғуринг. Аммо ўзбилармончилик салбий ҳолатга олиб келиши мумкин.

**АРСЛОН.**

Юлдузлар шахсий муносабатларни яхшилаш, мустаҳкамлаш лозимлигини, хиёнатга йўл қўймасликни маслаҳат беряпти. Бўйдоқлар севиш, севилишда тўғри йўл тутишлари керак. Ҳафтанинг иккинчи ярми ўз истеъдод, қобилиятингизни намоён қилиш учун қулай бўлади. Таваккал қилишдан, турли хавфли ўйинлардан йироқ юринг.

**БОШОҚ.**

Маиший масалаларни ҳал этиш учун қулай ҳафта бўлиши кутиляпти. Таъмирлаш, тозалаш ишларини оила аъзолари билан маслаҳатлашиб бажарган маъқул. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз. Оила хотиржамлиги, уларнинг иноқ бўлиши ўзингизга боғлиқ. Соғлом муҳит яратишга, уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ.**

Режа ва кўзланган ишларни яна бир таҳлил қилиб олинг. Энг зарур бўлганларини бажаришга киришинг. Вақтнинг қадрига етиб, ҳар сониясидан унумли фойдаланган киши кўзлаган мақсадига эришади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги дўстлар, ҳамкорлар учраши кутиляпти. Туҳмат, бўҳтондан эҳтиёт бўлинг, ҳар хил гап-сўзлар мавқеингизга салбий таъсир этиши мумкин.

**ЧАЁН.**

Харид ишлари учун қулай ҳафта бўлиши мумкин. Аммо сарф-харажатда тадбиркорлик талаб этилади. Кераксиз буюм, ашёларни сотиб олмаган маъқул. Айни пайтда зиқналик қилиш ҳам ярамайди. Юлдузлар пулни фақат ўз мақсадингиз учун сарфламасдан оила аъзоларингизнинг қизиқиши ва хоҳишини ҳисобга олиш зарурлигини уқтиряпти.

**ЁЙ.**

Янги хабарлар эшитишга, мириқиб суҳбатлашишга иштиёқ кучаяди. Бироқ атрофдагилар билан ҳисоблашиш, тўғри ҳаракат қилиш лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярми билимни ошириш, узоқ сафарга чиқиш учун қулай. Ҳар қандай қарама-қаршиликлардан узоқ юриб, муросага келсангиз хотиржам бўласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**

Ҳамма гапга ишонавериш ярамайди. Ёлғон хабарга ишониб, кейин пушаймон бўлиб қолишингиз мумкин. Молиявий масалаларни, моддий аҳволингизни хотиржам, босиқлик билан таҳлил этиб олишни маслаҳат берамиз. Айрим сирли ишлар, жумбоқлар ечилиши кутиляпти.

**ҚОВҒА.**

Дўстлар давраси янги ҳамфикрлар ҳисобига кенгайиши мумкин. Бу имкониятдан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилинг. Молия масалаларини ҳал этишга шошилмаган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, дўстлар билан молиявий масалалардан ташқари барча муаммоларни ҳал этишга қулай бўлади.

**БАЛИҚ.**

Ҳеч бир ишда шошмашошарлик яхши натижага олиб келмаслигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. «Сабр таги сариқ олтин» деб бежиз айтишмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида тер тўкиб ишлаб, иқтидорингизни яна бир бор намоён этиш имкониятидан унумли фойланишни маслаҳат берамиз.

Футбол

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ, РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

**Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигасининг 2010 йилги мавсуми учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра ушбу нуфузли мусобақада 32 та жамоа 8 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб борди.**

Осиё чемпионлар лигасида бу сафар ҳам мамлакатимиз чемпионатининг амалдаги олтин ва кумуш медали соҳиблари, Тошкентнинг икки номдор жамоаси – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Қуръа натижаларига кўра, «Бунёдкор» «В» гуруҳда «Зобахон» (Эрон), «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), Осиё чемпионлар лигаси плей-офф (Ғарбий минтақа) ғолиби, Виктор Жалилов шогирдлари эса «С» гуруҳида «Ал-Айн» (БАА), «Сепахон» (Эрон), «Ал-Шабоб» (Саудия Арабистони) жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун беллашади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган мавсумда иккала жамоамиз мусобақанинг чорак финалигача етиб келишган.

**Ф. АЗИЗОВ.**

«Динамо» майдонларида

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортнинг мини-футбол ва волейбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда вазирликнинг бошқарма, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари жамоалари қатнашди. Волейбол бўйича кечган беллашувда полковник Қ. Бердиев раҳбарлигидаги Жазони ижро этиш муассасаси жамоаси ғалаба қозонди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати волейболчилари шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олишди.

Мини-футбол баҳсида эса Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими футзалчилари биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар ИИВнинг муҳим вазифаларни бажариш бўйича алоҳида отряди ҳамда Патруль пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси жамоаларига насиб этди.

Ғолиб жамоалар ва спортчилар Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

# КАРОМАТЧИ

## ҲАЖВИЯ

**– Ҳой, эгачи, анави бошида шляпа қўндириб юрган киши бор-у, ўшанинг нафаси жуда ўткир эмиш. Кеча-чи, у ҳамма беморларни бир жойга йиғиб, сув тўла чойнак атрофида айланиб, бир, икки маротаба «қуф-суф»лаган экан, чойнакдаги сув биқирлаб қайнай бошлабди.**

– Ё тавба, ростдан-а?

– Вой, ишонаверинг, ўз кўзи билан кўрганлар айтишди.

Бу «миш-миш» бир зумда дам олиш уйидагиларни ўзига тортди. Ҳатто, кароматчи ётган хона олдида турнақатор тизилган одамлар пайдо бўлишди. Навбатда тургангарни қабул қилишдан тоқати-тоқ бўлган кароматчи:

– Кечқурун соат саккизда ҳовлига чиқинглар. Ўша ерда нимага қодир эканлигимни кўрасизлар, – деди димоғдорлик билан. – Ҳа, айтмоқчи, ҳар ким кўнглидан чиқарган нарсасини олиб борсин!

Айтилган вақтда дам олувчилар ҳовлида жамул-жам бўлишди. Орадан ярим соат вақт ўтгач, кароматчи икки қўлини чўнтагига тиқиб, ғоз юрганча одамлар орасига кириб келди ва йиғилганларга деди:

– Келтирган хайр-эҳсонларингизни мана шу рўмолчага ташланглар!

Йиғилганлар топган-тутганларини келтириб ташлай бошлашди. Ҳашпаш дегунча рўмолча буюмлар остида кўринмай қолди. Кароматчи ўртага тушган «ўлжа»ларни синчковлик билан кўздан кечириб чиқдида, қўлидаги сув тўла чойнакни қоқ ўртага келтириб қўйди.

– Шуни айтиб қўяй, – деди муғомбирлик билан. – Хайр-эҳсон бермаганлар бу даврани тезроқ тарк этсин! Нафасим ўткир! Бирор кор-ҳол рўй бериб, балога гирифтор бўлиб қолишлари мумкин.

Унинг бу гапидан сўнг яна ўн нафарча киши ўртага ул-бул нарса ташлади. Кўнгли жойига тушган кароматчи белини маҳкам боғлаганча ишга киришди. У «қуф-суф» дея сув тўла чойнак атрофида гир-гир айлана бошлади. Шу зоҳати чойнакдаги сув биқирлаб қайнай бошлади.

– Ё тавба, анавини қаранглар, қайнаяпти, – дея ёқасини ушлаган хотинлар ўринларидан туриб кетишди.

Кўпчилик сеҳрланиб, ўзларини бўғгудек ёқаларига ёпишишди. Баъзиларининг кўзлари олайиб, йиқилиб қолишди. Кароматчи вазиятни илғаб, ўртага тушган нарсаларни тезгина йиғиштирди-да, тўхтовсиз қайнаётган чойнакни қўлига олганича кўздан ғойиб бўлди.

Эртасига дам олиш уйи рўпарасидаги қурувчилар пайвандлаш учун келтирилган карбидни топишолмай кун бўйи ишсиз ўтиришди. Индинига эса «кароматчи»ни ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

ДИҚҚАТ!

# «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

*Ҳурматли юртдошлар!*

***Биз, ички ишлар идоралари ходимлари Сизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришингиз учун масъулмиз. Шу боисдан, Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.***

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-371) 233-22-33<br>(8-371) 233-39-39 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) 222-56-76 |
| Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси | (8-371) 232-03-30 |
| Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-374) 224-87-50 |
| Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-365) 224-64-86 |
| Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-372) 226-03-02 |
| Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-436) 223-06-71 |
| Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-369) 226-60-55 |
| Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-366) 233-00-00 |
| Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-367) 225-33-30 |
| Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-376) 227-25-51 |
| Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 264-18-32 |
| Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-373) 224-29-08 |
| Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-362) 226-37-10 |
| Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-375) 221-82-45 |
| Транспорт Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 252-61-39 |
| ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси | (8-371) 236-23-70 |

*СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ, СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ШАҲАР – ТУМАН ИИБЛАРИДАГИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ИНГ РЎЙХАТИ*

| | |
|---|---|
| Вилоят Ички ишлар бошқармаси | (8376) 227–25-51 |
| Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси | (8376) 222–41-04 |
| Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси | (8376) 223–21-48 |
| Вилоят ИИБ Тергов бошқармаси | (8376) 223–41-64 |
| Вилоят ИИБ Патруль – пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси | (8376) 223–05-03 |
| Вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими | (8376) 226–03-92 |
| Термиз шаҳар ИИБ | (8376) 223–02-48 |
| Термиз тумани ИИБ | (8376) 363-22-02 |
| Ангор тумани ИИБ | (8376) 312-10-86 |
| Музработ тумани ИИБ | (8376)349-13-44 |
| Шеробод тумани ИИБ | (8376)322-15-01 |
| Қизириқ тумани ИИБ | (8376)359-12-52 |
| Бандихон тумани ИИБ | (8376)374-13-06 |
| Бойсун тумани ИИБ | (8376)335-14-12 |
| Жарқўрғон тумани ИИБ | (8376)432-10-02 |
| Қумқўрғон тумани ИИБ | (8376)465-23-45 |
| Шўрчи тумани ИИБ | (8376)455-30-02 |
| Олтинсой тумани ИИБ | (8376)475-51-02 |
| Денов тумани ИИБ | (8376)412-17-62 |
| Узун тумани ИИБ | (8376)444-25-47 |
| Сариосиё тумани ИИБ | (8376)483-10-26 |

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Чет элларда қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маълумотлар олиш, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан хорижда ишга жойлаштириш борасида билдирилаётган таклифларга аниқлик киритиш, шунингдек, одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида республикамиз фуқароларидан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилишларини сўраймиз:

**«Ишонч телефонлари»:**

**8(371)232-27-88;**
**8(371)252-13-61**

ISSN 2010-5355
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE’MATOV**
Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart. Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №J-8606. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57482 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.**